

Биз кейинги йилларда, улуг аждодларимиз бошлаб берган ибратли анъаналарни давом эттириб, демократик жамиятнинг муҳим шартин ва тамойили бўлган оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантиришга устувор эътибор қаратмоқдамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil
26-iyun
juma
№ 24-25 (1503)

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqqan boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ hurriyatuz@mail.ru * t.me/hurriyatuz * Hurriyat gazetasi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҶА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҶИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҶРИСИДА

Мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувида очиқлик ва ошқоралик тамойилларини мустаҳкамлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, Янги Ўзбекистондаги демократик ислохотлар, янгилишни жараёнлари ва эришилаётган ютуқларни кенг ёритишдаги катта хизматлари, замонавий журналистика учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун куйидагилар мукофотлансин:

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Абдуллаев Фарход Бадалович – “Севимли” телеканалининг “Эслаб, эслаб” лойиҳаси бошловчиси

Казакбаев Тулқун Мухитдинович – Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, ёзувчи ва публицист
Қурбонова Азиза Абдусабитовна – Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш марказининг ахборот тайёрлаш бўлими етакчи мутахассиси
Солиева Азизахон Турғуновна – Бувайда тумани “Бувайда кўзгуси” газетаси бош муҳаррири, Фаргона вилояти

“Дўстлик” ордени билан

Атабекова Зухри – ижтимоий тармоқлардаги “Zuhra_buvi” саҳифаси асосчиси, блогер
Бирюков Валерий Васильевич – “ТАСС” ахборот агентлигининг Ўзбекистондаги мухбири
Мустақимов Рим Мунирович – “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталари таҳририяти катта мусаҳҳиҳи, Самарқанд вилояти
Наханов Жаҳонгир Атажарович –

“Ishonch” ва “Ishonch-Доверие” газеталари бош муҳаррири ўринбосари
Сувонов Лутфулла Хайруллаевич – “Янги Ўзбекистон” газетаси таҳририятининг ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ҳуқуқ бўлими катта мухбири
Тулғенов Шарофитдин Бакирович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston 24” радиоканали халқаро таҳлилий дастурлар гуруҳи муаллиф-шарҳловчиси
Ширмухамедов Дилшод Сагдуллаевич – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston 24” ижодий бирлашмаси телеоператори

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Ризаев Муроджон Зияевич – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Sport” ижодий бирлашмаси футбол трансляцияларини уюштириш муҳарририяти шарҳловчиси

“Соғлом турмуш” медали билан

Хайитова Лайло Сатторовна – “Xabar.uz” интернет нашрининг Бухоро вилояти бўйича мухбири

“Келажак бунёдкори” медали билан

Маждидов Шохрух Ғолиб ўғли – “Kup.uz” интернет нашри мухбири
Мелиқўзиев Равшанбек Исомиддин ўғли – ижтимоий тармоқлардаги “Platina.uz” ва “Pinkod.uz” саҳифалари асосчиси, блогер
Тўлқинова Маҳлиё Озод қизи – ижтимоий тармоқлардаги “Sinchalak blog” саҳифаси асосчиси, блогер

“Шухрат” медали билан

Абдуллаев Аъло Абзалович – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фотомухбири

(Давоми 3-саҳифада).

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

СИРДАРЁ – МЕДИА ВА ТАЖРИБА МАЙДОНИ

Ахборот технологиялари жадал ривожланаётган бугунги даврда медиа соҳаси вакилларининг замонавий билим ва кўникмаларини ошириш, уларни янги коммуникация воситалари билан ишлашга тайёрлаш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу мақсадда мамлакатимиз ҳудудларида ташкил этилаётган медиахафталиклар нафақат ўқув майдони, балки тажриба алмашиш ва профессионал мулоқот платформаси вазифасини ҳам бажармоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган медиахафталикнинг навбатдаги манзили Сирдарё вилояти бўлди.
Хафталик доирасидаги медиафорумда 400 нафардан ортиқ журналист, блогер, ахборот хизмати ходими, ёш контент мейкерлар ва соҳа фаоллари иштирок этиб, замонавий медиа маконининг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.
Форум давомида контент яратиш ва уни аудиторияга самарали етказиш механизмлари, ахборот маданияти, рақамли муҳитда ишончли манбаларни аниқлаш, фейк хабарларни фарқлаш усуллари, сунъий интеллект имкониятлари ҳамда ижтимоий тармоқларда муваффақиятли коммуникация ўрнатиш масалаларига эътибор қаратилди. Мутахассислар томонидан ўтказилган тақдирот ва маҳорат дарслари иштирокчиларнинг назарий билимларини амалий тажриба билан бойитишга хизмат қилди.

4-6

АНЖУМАН

Кеча — 25 июнь куни пойтахтимиздаги “Hyatt Regency Tashkent” меҳмонхонасининг анжуманлар ўтказиладиган залида Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг VII конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманга “Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталари бош муҳаррири, сенатор Хусан Эрматов раислик қилди. Унда кун тартибидан кўзда тутилган бир қанча масалалар кўриб чиқилди. Шунингдек, ташкилий масала ҳам кун тартибидан бўлди.



ШУҶРАТ ОРИПОВ ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИ БОШҚАРУВИ РАИСИ ЭТИБ САЙЛАНДИ


Хусусан, Уюшманин 2021-2025 йиллардаги фаолияти якунлари бўйича ўтган уч ярим йил давомида ташкилотта раҳбарлик қилган Холмурод Салимовнинг ҳисоботи эшитилди. Шунингдек, Ўзбекистонда хизмат курсатган журналист, Уюшма тафтиш комиссияси раиси Чори Латиповнинг маърузаси тингланди. Уюшманин ғтган йиллардаги фаолияти қониқарли деб тоилди.
Конференцияда Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг янгиланган бошқарув аъзолари, тафтиш комиссияси таркиби сайланди. Уюшманин 2026-2030

йилларга мўлжалланган ривожланиш концепцияси муҳокама этилди.
Журналистлар ййғинида Уюшма раиси вазифасини бажарувчи Шуҳрат Орипов Уюшманин ташкилий тузилмаси ҳамда 2026-2030 йилларга мўлжалланган янгилиниш концепцияси хусусида сўзга чиқди.
Конференцияда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. Делегатлар бир овоздан Шуҳрат Ориповни Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқаруви раиси этиб сайлади. Дилшод Бўриев ва Шаҳрибону Имомова

Уюшма раисинин ғринбосарлари этиб тасдиқланди.
Иштирокчилар ва унда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасинин ғнги раҳбарияти фаолиятига муваффақият тилади. Уюшма ҳақли равишда мамлакат журналистларинин ғаянчи бўлишига, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ислохотларни ёритиш, халқимизнинг дарду ташвишларига доимо шерик бўлиш йўлида ижод қилаётган соҳа вакиллари ҳаётида муносиб ўринга кўтарилишига умид билдиришди.
Ўз муҳбиримиз.

ИККИ УМР ОРАСИ

ёки Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов ёди



Президентимизнинг “Мамлакатимизда маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ марҳум ижодкорларни мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонида кўра ўзбек адабиётининг фидойиларидан бири, элимизнинг суюкли адаби Одил Ёқубовнинг бетақдор ижоди ҳамда жамоатчилик фаолиятида кечган ўрни юксак қадрланиб, улуг ёзувчи “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланди.
Атоқли ёзувчинин ғ “Улугбек хазинаси”, “Диёнат”, “Кўҳна дунё”, “Муқаддас”, “Тенгдошлар”, “Адолат манзили”, “Оққушлар, оппоқ қушлар”, “Биллур қандиллар” ва бошқа кўплаб асарлари нафақат юрти-

мизда, балки бутун дунёда ҳам маълуму машҳурдир.
Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан маданият, санъат ва адабиёт ахлига, шу жумладан, марҳум ижодкорлар хизматига юксак ҳурмат курсатилаётгани алоҳида эътирофга молик.
Шуни таъкидлаш жоизки, улуг ижодкор Одил Ёқубов томонидан ёзилган бетақдор асарлар қаторида адиб ҳаётлик пайтидаги суҳбатлар, у ҳақидаги хотиралар, ёдномалар ҳам ўқувчилар учун улкан аҳамиятга эга.

12-6

БУГУННИН ғ ШЕЪРИ

Рустам МУСУРМОН,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими,
Қорақалпоғистон халқ шоири

ХАЛҚ НИДОСИ

Дадил-дадил тўпни сур,
Пухта уйлаб, давра кур.
Рақибларни чағлтиб,
Дарвозага тўпни ур.

Байроғингда ой – ҳилол,
Шижоатинг баркамол.
Бургут бўлиб парвоз қил,
Қувлаб етолмас шамол.

Опа копток хол-хол,
Тезроқ тўпни ол-ол!
Тўп-тўп уйна футбол,
Гол ур, гол ур, гол-гол!

Ошир, бўйингдан ошир,
Ҷимоячини шошир.
Бир дунё мухлисларинг
Шаштини селдек тошир!

Омадинг чопсин ўннга,
Кўёш бер қаро тўннга.
Зотинг Турон хоқони
Афросиёб – Эр Тўннга.

Миллионга татир бир бек,
Миллиондан зўр бир ўзбек.
Чингизхони майирган
Султон Жалолдиндек.

Йигитнинг зўри мағрур
Ғалаба гаштин сурур.
Халқ овози гур-гур:
“Гол ур, гол ур, ур-ур!”

16-6

✓ **МАЪНАВИЯТ**

КИТОБ ЎҚИШ — ЭҲТИЁЖГА АЙЛАНИШИ КЕРАК!

Маърифатпарвар аждодларимизнинг "Илмдан бошқа наҳот йўқ" деган шiori бугун мамлакатимизда кенг қўл оч ёйди. Китобхонлик ва халқимизнинг мутолаа маданиятини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан "Миллий китобхонлик ҳаракати" дастури кенг қўламада амалга оширилмоқда.

Тўққиз йил олдин бошланган "Ёш китобхон" танлови бугунги кунда миллионлаб ёшларни китоб билан яқиндан дўстлаштирди, мутолаа маданияти секин-аста хонадонларга кириб бормоқда. Ушбу танловнинг якуний босқичида мукофот фонди 240 минг долларни ташкил этиши, ғолиб эса 50 минг доллар билан тақдирланиши — буларнинг барчаси мукофот салмоғини белгилабгина қолмай, балки юртимизда маърифий тараққиётнинг янги босқичи бошланганидан ва тобора кенг қўл оч ёйиб бораётганидан далолат беради.

Хусусан, Президентимизнинг 2026 йил 15 январдаги "Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва аҳоли ўртасида китоб ўқишга қизиқишни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-9-сонли қарори китобхонлик ҳаракатини ривожлантиришда яна бир муҳим қадам бўлди. Бундан кўзланган асосий мақсад — ҳар бир инсоннинг йилига камида 10 та китоб ўқишга эришиш, пировардида мутолаа маданиятини умумхалқ ҳаракатига айлантиришдан иборат.

Дунёда ахборот уруши тобора авж олиб бормоқда. Шундай шароитда халқимизнинг тезкор ахборот билан таъминлаш, соҳаларда рақамлаштиришни кенг жорий этиш ва одамларимизнинг мутолаа маданиятини ривожлантириш давр тақозосига айланди. Чунки дунёдаги ҳар қандай ривожланган давлатни олиб қарамайлик, унинг замирида илм-фанга, таълимга, янада аниқроқ айтганда, китобга эътибор ётади. Китобхонликни ривожлантирмай туриб, маърифатли жамият қуриб бўлмаслиги аллақачон исбот топган ҳақиқатдир.

Самарқандлик мутафаккир, жадид бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудийнинг "Падаркуш" драмаси китобдан юз ўгириб, жаҳолатга юз тутган кимсанинг фожиали тақдиринан хикоя қилувчи асар эканини яхши биламиз. Китобни, маърифатни ўзига душман билган кимсанинг қисмати гоёя ачинарли бўлиши сир эмас, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод вакиллари буни теран англашлари ло-



зим.

Шу ўринда баъзи мулоҳазаларни билдириб ўтиш жоиз. Биринчидан, китобхонликни умумхалқ ҳаракатига айлантириш, мутолаа маданиятини ривожлантиришдек эзгу ишларни фақатгина ёшлар ўртасида олиб бориш билан чекланиб қолмаслик керак. Ушбу ҳаракат аҳолининг барча қатламларини қамраб олиши лозим. Китоб билан фақат ёшлар эмас, катталар ҳам дўстлашишлари зарур. Чунки ёшлар биринчи навбатда оилада катталардан ўрнак олади.

Иккинчидан, китобхонликни ривожлантириш тадбирларини таълим соҳасидан ташқари, бошқа соҳаларда (саноат, қурилиш, тиббиёт, транспорт, олоқа, қишлоқ хўжалиги, санъат ва ҳ.к.) ҳам кенг жорий қилиш зарур. Шунингдек, вилоятимиз маҳаллаларида таълим муассасалари билан ҳамкорлик доирасида кутубхоналар тармоғини кенгайтириш, шу орқали ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи нохуш ҳолатларнинг олдини олиш муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимизнинг китобхонлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилган дастурларини амалга ошириш борасида Мактабгача ва мактаб таълими тизимида муайян ишлар қилинаётганини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Бугунги кунда мактаб таълими соҳасида фаолият олиб бораётган, таълим-тарбия жараёнининг иштирокчиси бўлган ҳар бир инсон — хоҳ ўқувчи бўлсин, хоҳ ўқитувчи — китобга меҳр қўйиши, мутолаа маданиятини оширишга эришиши лозим.

Бу ишга маънавий эҳтиёж сифатида ёндашиш зарур.

Ушбу йўналишда вилоят Педагогик маҳорат марказида олиб борилаётган ибратли ишларни эътироф этиш жоиз. Якунига етган ўқув йилида ушбу масканда китобхонлик маданиятини тарғиб қилишга алоҳида — педагогнинг касбий ривожланишига кўмак берувчи муҳим омил сифатида ёндашилди. Ўзбек адабий муҳитида муҳим ўрин эгаллаган янги нашрлар, маърифатпарвар адибларимиз яратган адабий-тарихий асарлар тақдироти, мустақиллик даври ўзбек ёзувчиларининг асарларини ўрганишга бағишланган "Зукколар беллашуви" сингари танловлар, шунингдек, "Касбий ривожланиш куни", "Касбий ривожланиш соати" каби тадбирларни мунтазам ўтказишдек эзгу аънаналар қарор топди.

Айниқса, марказда "Китобхонлик соати" танловининг аънаваний тус олгани алоҳида эътиборга лойиқ. Юртбошимизнинг юқоридоғи қароридан келиб чиқиб, вазирликнинг махсус низоми асосида ўтказилаётган махсус танловга буюк Соҳибқирон Амир Темурининг "Тузуқлар"и, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома"си, машҳур адибларимиздан Абдулла Авлонийнинг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ", Абдулла Қодирийнинг "Утган кунлар", Саид Аҳмаднинг "Уфқ" трилогияси, Ойбекнинг "Навоий", Пиримқул Қодировнинг "Юлдузли тунлар" романи, Хайриддин Султоннинг "Яндо кечаси" романи, шунингдек, ёш ёзувчилар ҳамда жаҳон классикларининг асарлари

бош мавзу қилиб олинди.

Танловлар марказ профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари иштирокида мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ғолиблар тегишли тартибда моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. Танлов иштирокчиларининг қайси бирдан сўраманг, унинг юқори савияда ўтаётганини, маъмур тадбирлар касбий ривожланишда айниқса асқотаётганини таъкидлайди.

Ҳозирги кунда вилоят Педагогик маҳорат марказининг Ахборот-ресурс маркази жамғармасида 17 305 та сиёсий, илмий-услубий, бадий адабиётлар, касбга оид луғатлар ҳамда дарсликлар мавжуд бўлиб, 50 ўринли ўқув хонасида тингловчилар ҳамда марказ профессор-ўқитувчиларига хизмат кўрсатилмоқда. Бу йил учун марказ бюджети ҳисобидан 3 номдаги газетга 20 нускада 19 488 000 сўмлик обуна расмийлаштирилди. Шунингдек, профессор-ўқитувчилар ва ходимлар томонидан ҳам 3 номдаги газетга 30 нускада 29 880 000 сўмлик обуна ташкил этилди.

Марказ профессор-ўқитувчилари ва ходимлари томонидан Ахборот-ресурс маркази электрон кутубхонасига методик қўлланмалар, тақдимотлар, илмий-амалий анжуман материаллари мунтазам жойлаштириб борилаётган. Ҳозиргача жами 1001 нафар ресурс базага киритилди. АРМга келган ўқитувчилар, ходимлар ва тингловчиларнинг қатнов сони эса 3050 тага етди. Ахборот-ресурс марказини электрон адабиётлар билан бойитишга доир ташкилий-техник чоралар доимий равишда қўриб борилаётган.

Президентимизнинг: "Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз", деб таъкидлаган сўзлари Учтинчи Ренессанс пойдевори барпо этилаётган юртимиз тараққиётида асосий широк айланди. Жамиятимиз аъзоларининг китобхонлик маданиятини ривожлантириш — давлатимизнинг маънавий юксалишига қаратилган ғамхўрлиги намунасидир.

Комил ХАЙДАРОВ,

Самарқанд вилоят Педагогик маҳорат маркази профессори, фалсафа фанлари доктори.

✓ **ОГОҲЛИК**



БОЛАЛАРНИ КИМ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ?

Рақамли маконда болалар хавфсизлигини таъминлашда ОАВ масъулияти ва соҳадаги амалий муаммолар муҳокама қилинди

Рақамли технологиялар, сунъий интеллект ва медиасаводхонлик ҳақида кўп гапирилаётган бугунги даврда болаларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Бироқ бу борадаги тарғибот ва амалиёт ҳар доим ҳам бир-бирига мос келмавермайди. Айниқса, болаларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш мавзусига бағишланган тадбирларнинг ўзида ҳам ахборот маҳсулотларини ёшга оид таснифлаш ва маркировкалаш талабларига амал қилиниши зарур.

Зеро, хавфсиз ахборот муҳити ҳақида фақат гапиришнинг ўзи етарли эмас, уни амалда таъминлаш ҳам муҳимдир. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ташкил этилган "Рақамли даврда болаларнинг ахборот хавфсизлиги: ОАВ масъулияти, киберҳимоя ва этик мезонлар" мавзусидаги ўқув курси болалар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда медиа масъулиятини кучайтириш масалаларини кенг муҳокама майдонига айлантирди.

2026 йил 23-25 июнь кунлари Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси ("Ўзкомназорат") томонидан ушбу мавзуда махсус ўқув курси ташкил этилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси бошлиғи Фаррух Рустамов, Мактабгача ва мактаб таълими вазири ўринбосари Фарҳод Боқиев, Инспекция бошлиғи маслаҳатчиси Асаджон Ходжаев, Болалар омбудсмани сектори мудири Саттор Раҳматов, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети проректори, профессор Нозима Муратов, Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмаси бошқаруви раиси ўринбосари Раҳматжон Умаров ҳамда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Умида Тешабоева сўзга чиқдилар. Улар болалар учун хавфсиз ахборот муҳитини яратиш, оммавий ахборот воситаларининг масъулияти ва зарарли контентнинг олдини олиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Соҳа мутасаддилари ва экспертлар рақамли маконда болалар хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида тўхталдилар. Таъкидланганидек, бугунги кунда интернет болалар учун таълим ва мулоқот имкониятларини кенгайтирган бўлса-да, уларни кибербуллинг, манипулятив ахборотлар, ёлғон хабарлар, ноқонуний реклама ҳамда сунъий интеллект асосида яратилаётган "deepfake" материаллари каби хавфларга ҳам дучор қилмоқда.

Уч кун давом этган тренингда республиканинг турли ҳудудларидан келган оммавий ахборот воситалари вакиллари, журналистлар ва соҳа мутахассислари иштирок этди. Тадбир болаларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш, хавфсиз ахборот муҳитини шакллантириш ҳамда ахборот маҳсулотларини ёшга оид таснифлаш бўйича амалий кўникмаларни мустаҳкамлашга қаратилди.

Ўқув курсида келтирилган маълумотларга кўра, ЮНИСЕФ ҳисоб-китобларига асосан дунё бўйлаб ҳар кун 175 мингдан ортиқ бола илк бор интернетдан фойдаланишни бошламоқда. Шунингдек, жами интернет фойдаланувчиларининг қарийб учдан бир қисмини болалар ташкил этиши алоҳида таъкидланди.

Тадбир давомида Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси томонидан олиб борилган мониторинг натижалари ҳам маълум қилинди. Унга кўра, 2026 йилнинг биринчи чорагида миллий ахборот маконига жами 1068 та қонунбузилиш ҳолати аниқланган. Шундан 636 таси болаларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилишга оид талаблар билан боғлиқ. Бундай қонунбузилишларнинг салмоқли қисми интернет нашрлари, телевидение ва радиоканаллар фаолиятида кузатилади.

Тренинг давомида иштирокчилар болалар учун хавфли медиаконтентни аниқлаш, журналистик этика, фактчекнинг (фактларни текшириш), визуал материалларни верификация қилиш, сунъий интеллектнинг ахборот маконига таъсири, дипфейк ва манипулятив контентларни аниқлаш усуллари бўйича назарий ҳамда амалий билимларга эга бўлдилар. Шунингдек, болалар иштирокидаги материалларни ёритишда "зарар етказмаслик" тамойили, интернет хавфсизлиги ва киберҳимоя масалалари ҳам кенг муҳокама қилинди.

Мутахассислар болаларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилишда давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, блогерлар, педагоглар ва ота-оналарнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этишини қайд этдилар. Тадбир якунида иштирокчиларга сертификатлар топширилди ҳамда болалар учун хавфсиз ахборот муҳитини яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Фарангиз АБРУЕВА,
"Hurriyat" мухбири.

КУТУБХОНА – ИННОВАЦИЯ ВА МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

Рақамли технологиялар ва жадидлар мероси уйғунлиги Уйчи тумани мисолида

Бугунги тезкор глобаллашув ва рақамли технологиялар асрида аҳоли, айниқса, ёш авлод ўртасида китобхонлик ва мутолаа маданиятини юксалтириш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Бу борада барча таълим муассасалари, хусусан, умумтаълим мактаблари ва ижод мактабларида ташкил этилаётган маънавий-маърифий лойиҳалар ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 15 январдаги "Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва аҳоли ўртасида китоб ўқишга қизиқишни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳа ривожини янги босқичга олиб чиқди. Маъмур тарихий ҳужжат ижросини таъминлаш ҳамда кутубхоналар фаолиятига замонавий технологияларни изчил жорий этиш мақсадида, На-

манган вилояти Уйчи туманидаги 7-умумтаълим мактабида "Сунъий интеллект — кутубхона хизматларини такомиллаштириш воситаси" мавзусида вилоят миқёсидаги ўқув-амалий семинари ташкил этилди.

Анжуманда Муҳаммадшариф Сўфизода номидаги Наманган вилояти болалар кутубхонаси директори Зулхумор Тўраҳўжаева, туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими мутахассислари ҳамда ҳудуддаги барча мактаб кутубхоначилари иштирок этдилар.

Семинарда аънаваний кутубхоналар фаолиятини рақамлаштириш ва уларни "ақли маскан"га айлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Давр талаби шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кутубхоначи шунчаки китоб сақловчи ёки тарқатувчи эмас, балки чексиз ахборот уммонида ўқувчига тўғри йўл кўрсатувчи медиа-навигатор ва маънавий йўлбошчи бўлиши шарт.

Тан олиш керакки, бугун сунъий интеллект алгоритмлари кутубхона тизимида инқи-



лобий ўзгаришлар қилмоқда. У нафақат китоб қидириш жараёнини сонияларга қисқартиради, балки ўқувчининг ёши, қизиқишлари ва руҳиятидан келиб чиқиб, унга индивидуал китоблар рўйхатини тавсия эта олади.

Мулоқот давомида иштирокчиларга кутубхоналарни замонавий техник жиҳозлар ва бойитилган электрон ресурслар (QR-кодли китоблар, аудиобазалар) билан таъминлаш, фондларни янги бадий ва илмий-омма-

боп нашрлар билан тўлдириш, сунъий интеллект ёрдамида кинотобларни саралаш ва янгича қидирув технологияларини жорий этиш ҳамда соҳа ходимларининг рақамли саводхонлигини ошириш бўйича муҳим услубий тавсиялар берилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мактаб кутубхоналарида мутолаа муҳитини жонлантиришнинг энг самарали усули — ўқувчиларни фаол ижодий жараёнларга жалб этишдир.



Мохира МАМАДАЛНОВА,
Наманган вилояти Уйчи туманидаги 7-умумтаълим мактаби кутубхона мудираси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҶА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҶИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Авалбоев Икром Холйигитович — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбири
Аллаев Акбарали Одинаматович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "O'zbekiston 24" ижодий бирлашмаси муҳаррирлар гуруҳи бош муҳаррири
Аскарлов Жобирхон Козим ўғли — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси матбуот котиби
Атамуратов Илхамбек Мухамметали ўли — "Жаслар ТВ" телеканали ва "Нукус ФМ" радиоси бош муҳаррири, Қорақалпоғистон Республикаси
Аълова Нигорахон Ақром қизи — "Daryo.uz" интернет нашри муҳаррири
Закирова Нодира Насировна — "Бир сафда" журнали таҳририяти бўлим муҳаррири
Ибрагимова Зебинисо Асатовна — Нурота тумани ахборот-кутубхона маркази ахборот-библиография хизмати раҳбари, Навоий вилояти
Иргашева Махсума Рахматовна — "Саодат" журнали мусавҳиҳи
Каримов Бахтиёр Алмосбоевич — "Менинг юртим" телеканалининг кино таҳририяти муҳаррири
Каримова Одинахон Бокибиллоевна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Yoshlar" ижодий бирлашмаси директори-

нинг "Navo" телеканали бўйича ўринбосари
Кулматова Дилафруз Равшановна — "UzReport TV" телеканали катта муҳаррири
Логвина Юлия Сергеевна — "Народное слово" газетаси бўлим муҳаррири
Махмудов Отабек Улугбекович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "O'zbekiston tarixi" телеканали илмий-таҳлилий ва интеллектуал кўрсатувлар муҳарририяти телеоператори
Мир-Артиков Нуриддин Махкамович — Гафур Ғуллом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг босма чеҳи чоп этувчиси
Мирсаидов Миравзал Мирвахидович — "Yoshlar ovozi" масъулияти чекланган жамиятининг "HIT FM" радиоси продюсери
Нишанов Нодирбек Искандарович — ижтимоий тармоқлардаги "Qurultoy" саҳифаси асосчиси, блогер
Пайдаев Хасан Ибрагимович — Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази етакчи мутахассиси
Салимов Тимур Мирсамат ўғли — "Zo'r TV" телеканали продюсери
Юсупов Якуб Кабилджанович — "Milliy" телеканали техник директорининг ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2026 йил 25 июнь

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

ДАВЛАТ ТИББИЙ СУҒУРТАСИ

Сурхондарё вилоятида бу тизимнинг илк натижалари ва истиқболлари

Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш ва аҳолининг тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бугунги кунда давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифалардан биридир. Кейинги йилларда соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар замирида инсон қадрини улуғлаш ва унинг саломатлигини ишончли ҳимоя қилиш мақсади муҳимдир.

Ана шундай муҳим ўзгаришлардан бири бўлган Давлат тиббий суғуртаси тизими мамлакатимизда босқичма-босқич жорий этилмоқда. Ушбу тизим тиббий хизматларни молиялаштиришнинг замонавий механизмларини шакллантириш, тиббиёт муассасалари фаолияти самардорлигини ошириш ҳамда аҳолини кафолатланган тиббий хизматлар билан таъминлашга қаратилган. Жорий йилдан бошлаб Сурхондарё вилоятида ҳам мазкур тизимнинг тўлиқ йўлга қўйилиши соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларнинг навбатдаги муҳим босқичи бўлди.

Термиз шаҳрида Республика Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг матбуот хизмати ҳамда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ўтказилган анжуманда марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Таъдбир давомида Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг матбуот ва пиар (PR) хизмати раҳбари Сайёра Шоева мазкур тизимнинг мазмун-моҳияти, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида батафсил маълумот берди. Шунингдек, Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг вилоят бўлими бошлиғи Бобохон Шукров воҳада мазкур тизимни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, эришилган натижалар ва истиқболдаги вазифаларга тўхталди. Сурхондарё тиббиёт кластери директори Ботир Мамасоатов эса тиббиёт муассасаларини давлат тиббий суғуртаси асосида молиялаштириш механизмлари ва бу борадаги амалиёт ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Президентимизнинг Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид қарори асосида шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб вилоятимизда ҳам мазкур тизим тўлиқ йўлга қўйилди, — деди Давлат тиббий суғуртаси жам-



ғармаси вилоят бўлими бошлиғи Бобохон Шукров. — Бу нафақат вилоят аҳолиси учун, балки мамлакатимизда тиббий хизматларни молиялаштиришнинг янги моделини шакллантириш йўлидаги муҳим қадам.

Давлат тиббий суғуртаси тизимининг асосий мақсади ҳар бир фуқарога кафолатланган тиббий хизматларни тақдим этиш, тиббиёт муассасалари фаолиятининг самардорлигини ошириш ва соҳада шаффоф молиялаштириш механизмларини жорий этишдан иборат. Янги тартибга кўра, аҳоли бирламчи тиббиёт муассасалари бириктирилади ҳамда оилавий шифокор орқали зарур тиббий хизматлардан фойдаланади. Бу эса беморларни даволаш жараёнини тизимли ташкил этиш ва тиббий хизматларни манзилли амалга оширишни таъминлаш имконини беради.

Воҳамизда бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда аҳолининг қарийб 92 фоизи "D-Med" электрон платформасига бириктирилган бўлиб, бу рақамлаштириш жараёнларининг изчил амалга оширилаётганидан dalolat беради. Шу билан бирга, Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан юзлаб тиббиёт муассасалари билан шартномалар тузилиб, уларни молиялаштиришнинг янги механизми татбиқ этилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, аввалги тизимда тиббиёт муассасалари, асосан, давлат томонидан ажратилган бюджет маблағлари доирасида фаолият юритган бўлса, эндиликда молиялаштириш ҳажми аҳоли сони ва кўрсатилган тиббий хизматлар миқдори билан бевосита bogланмоқда. Бу эса муассасаларни аҳолига

янада сифатли ва самарали хизмат кўрсатишга ундайди.

Янги тизимнинг аҳоли учун яна бир муҳим афзаллиги дори таъминоти соҳасида намойён бўлмоқда. Реимбурсация дастури орқали бир қатор касалликлар учун зарур бўлган дори воситаларининг бепул берилаётгани ижтимоий ҳимояни кучайтиришга хизмат қилапти. Бу, айниқса, кам таъминланган ва эҳтиёмманд аҳоли қатламлари учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Журналистлар ва ижтимоий тармоқ фаоллари иштирокида ташкил этилган медиатор давомида Термиз шаҳридаги қатор тиббиёт муассасалари фаолияти билан яқиндан танишилди. Замонавий жиҳозланган шифохоналар, рақамлаштирилган хизматлар ва беморларга яратилган шароитлар давлат тиббий суғуртаси тизимининг амалдаги ижобий натижалари намойиши бўлди.

Эътироф этиш жоизки, давлат тиббий суғуртаси тизими соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Унинг тўлиқ ва самарали ишлаши аҳолининг сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириб, тиббиёт муассасалари фаолиятини янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз.

Зеро, инсон саломатлиги — жамият тараққиётининг энг муҳим омили ҳисобланади. Давлат тиббий суғуртаси тизими эса ана шу эзгу мақсадга хизмат қилувчи муҳим фаолият сифатида аҳоли фаровонлиги ва мамлакат равангига муносиб ҳисса қўшади.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Сурхондарё вилояти бўлими.

ҚУТЛОВ



"MAKSIMUM"

ONLAYN OMONATI



FOIZI:
18%



MUDDATI:
18 oy



OMONATNING ENG
KAM MIQDORI
100 000 so'm



1220

turonbank.uz



XIZMATLAR
LITSENZIYALANGAN

ФАХР

ҲАЁТИМ МАЗМУНИ

Дунёда касблар кўп. Аҳамият-лиси, ҳар бирининг ўзига яраша завқию меҳнат машаққатлари бисёр. Албатта, бу ҳақда ҳар ким ҳам ҳамма вақт гапирармайди. Бинобарин, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов таъкидлаганидек, "Ўзинг тўғрида гапирингдек қийин нарса йўқ".

Бугун эса 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини, яъни ҳаммиша ҳар ерда ҳозир, ҳар нарсадан хабардор, тезкор соҳа вакиллари касб байрами. Демак, бу гал истаимизми-йўқми, ўз соҳамиз ва ўзимиз ҳақимизда гапирингизга тўғри келади.

Журналистика — ҳаммиша халқ билан ҳамнафас, серкирралиги билан ажралиб туради. У кириб бормаган соҳа, ёритмайдиган мавзу, йўналишининг ўзи йўқ. Тиббиёт, таълим, қурилиш, қишлоқ хўжалиги дейсизми, барча-барчасини қамраб олади. Албатта, бунинг учун хоҳ босма нашр, хоҳ радио, телевидение, ахборот хизмати ёки интернет журналистикаси бўлсин, ҳар бири ҳақидаги зарур маълумотларни билиш фойда муҳим. Чунки журналистикада, аввало, иқтидор ва керакли маълумотларга эга бўлмасдан яхши материал тайёрлаш мушкул. Шунингдек, сўз кудрати орқали одамлар қалби забт этилади, ҳатто катта муаммолар ҳам ечим топади.

Журналистика — машаққатли ва завқию ҳаёт йўли. Бу кенг жамоатчиликка матбуот орқали тақдим қилинадиган материалларни тайёрлаш жараёнларида ёрқин акс этади. Журналист ҳаммиша халқ билан бирга. У ҳаммиша давлат ва халқ учун ҳолис хизматда. Ҳақиқатдан сўзловчи кўзгу. Аслида, журналистда вақт чегараланмаган. Асосий иш жараёнлари узоқ-яқин манзиллар-у турли қатламлардаги инсонлар билан мулоқотда кечади. Омма эътиборига ҳавола этадиган янги маҳсулоти учун иссиқ-совуқ демай масаллик, яъни маълумот йиғади, кези келса, ўзини унутиб қўяди. Ҳатто тушлик учун вақтини қизганади, кўпинча уйдаги дам олиш соатларида ҳам мақола, матн ёзиш билан банд бўлади. Ёзганлари, тайёрла-



ганлари муҳаррирдан ўтиб, оммага етиб, яхши фикр эшитмагунча хотиржам бўла олмайди. Эҳҳе, бутун фаолияти давомида бу ҳол неча маротаба такрорланмайди дейсиз! Бошдан ўтадиган шунча кучли ҳаяжон, руҳий зўриқишларни-ку айт-маса ҳам бўлади. Аммо эрталаб жисми-жони толиқиб, кўзлари уйку-сизликдан қизарса-да, ўзини бардақ тутиб, яна ишга ошиқади. Чарчоқни унутиб, ёзганлари муҳаррир таҳриридан ўтиш-ўтмаслиги, муҳлисларга манзур бўлиш-бўлмаслиги ҳақида қайғуради. Материали босма матбуот ёки радио-телевидениеда эълон қилинса ва бу ҳақда кимдир илиқ муносабат билдирса-гина ўзини енгил ҳис этади. Чарчоқларни бир зумда унутиб, гўё дунёдаги энг бахтли инсонлардан бирига айланади. Баъзан эса бунинг акси ҳам бўлиши мумкин. Яъни кутилмаганда машаққатли меҳнатлар самараси ҳисобланган журналистик маҳсулот ҳақида кимдандир салбий фикрлар эшитиши мумкин. Бироқ танқиддан тўғри ҳулоса чиқариш тажрибани янада оширади. Аслида, буларнинг барчаси журналистнинг бир кунини, битта материали эълон қилинишигача бўлган жараённинг қисқагина кўриниши, ҳолис.

Журналистика — айрим ёшлар фақат қизиқарлилиги учун ҳавас қилладиган ёки баъзи бировлар омон деб уйлаган шунчаки соҳа эмас. Аксинча, аввало, иқтидор ва фидойилик талаб этадиган энг машаққатли,

энг масъулиятли касбдир. Матбуот — ижод майдони, журналист — ижодкор ва изланувчан шахс. Ундан ҳаммиша янгилик кутилади. У таҳлил қилади, тадқиқ этади, шарҳлайди, фикрлашга ундайди, дунё-қарашларни шакллантиради, йўналтиради, завқ-шавқ бағишлайди. Бу эса чинакам бахт. Мен бугун қарийб 35 йиллик фаолиятим давомида буларнинг барини бир эмас, бир неча юз, балки, минг маротаба ҳис эттирган журналистикадан кечисиз миннатдорман. Матбуот, радио ва телевидениеда ишлаб, яхши устозлар кўрдим, чархландим, чиникдим, тобландим. Журналистика ҳаётимда учраган оғир синовларни енгишимга ҳам катта ёрдам берди. Қувонганим, журналистик материалиларнинг мени кўпчиликка ўз номи билан танитди, оами-кўпми, тажрибаларим устоз деган юксак шарафга муяссар этди. Оила ва жамиятда ўрнимни топдим. Буларнинг барига шукр ва барчаси учун ташаккур, миннатдорман. Журналистика — фидойилар майдони. Бу "COVID-19" пандемияси даврида яна бир қарра ўз исботини кўрсатди. Чунки турли соҳа вакиллари қатори кўллаб матбуотчилар ҳам ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан адо этиб, энг оғир нуқталардаги жараёнларни, вазиятнинг батафсил ёритишда фаоллик намуналарини кўрсатишди. Халққа мадад бўлиши, унинг бирдамлигини, давлат сиёсати ва албатта, бундан ҳаммиша мамнунман. Токи ҳаётдаман, бу касбга бўлган меҳрим ва садоқатим мени асло тарк этмайди. Зеро, журналистика аллақачон ҳаётимнинг бир бўлагига айланган тақдирим. Шу боис касбимдан фахрланаман. Касбим — ифтихорим! Фурсатдан фойдаланиб, барча устозлар ва ҳамкасбларимизни касб байрамимиз билан табриқлайман. Шарафли ва машаққатли фаолиятларида куч-қувват, ижодий парвозлар тилайман.

Шаҳзода АКБАРОВА,
журналист.

ТАРИХ ВА ТАЛҚИН

СОҲИБҚИРОН МАРҲАМАТИ

Ўша пайтдаги ҳолатни яққол тушунтириш учун Сизни 1395 йилга бошлаб бораман ва биргаликда Самарқанд чеккасидаги катта карвонсаройга кўнамиз. Ичкари турли ўлка ва юртлардан келган савдогарлар билан тўла. Хитойлик ипакчи савдогарлар, форслик зирворчи, арабистонлик олтинфурушлар, европалик баққоллар ўзаро суҳбатда. Кимдир дам оляпти, кимдир овқат тановули билан машғул, бошқаси ўйчан ҳолда нималарнидир ҳисоб-китоб қилмоқда.

Карвонсаройда тунаш бепул, овқат текин, ҳатто ем-хашак ҳақиға ҳам бир чақа сўрашмайди. Ҳайрон бўлманг, чунки ўша замонда барча тўловлар вақфдан ажратиларди. Бу карвонсарой ҳам Амир Темур асосчилик қилган вақф мулки ҳисобига хизмат кўрсатарди. Яқин атрофдаги боғ ва деҳқончилик ерлари даромади ана шу карвонсаройни боқарди.

ВАҚФ НИМА?

Вақф — ноёб институт. Мулкни Аллоҳ йўлида доимий равишда жамоат манфаатига бағишлаш унинг асосий моҳиятини ташкил этади. Вақф қилинган мулк сотилмайди, мерос ўтмайди, гаровга қўйилмайди. У — абадий. Ва унинг даромади белгиланган ижтимоий мақсадлар учун сарф этилади.

Амир Темур бошқарувдаги Туронзаминда вақф турлари жуда хилма-хил эди:

Масжид ва мадрасалар вақфи — диний ва таълим мақсадларида; карвонсарой вақфи — савдогарлар ва мусофирларга; шифохона вақфи — беморларга тиббий ёрдам учун; кўприк ва йўл вақфи — инфратузилмани сақлашга; кутубхона вақфи — илм-фани ривожлантиришга; қабристон вақфи — марҳумларни дафн этиш учун эди. Ва уларнинг ҳар бири давлат бюджетидан эмас, хусусий ташаббус асосида молиялаштирилган эди.

Бу тизим қандай ишлаган? Вақфнинг иқтисодий механизмини тушуниш учун унинг тузилишини кўриб чиқайлик.

Асоси — капитал актив. Бунга кўра, вақф қилувчи бирор-бир мулкни вақфга ажратди. Масалан, деҳқон еридан бир танобини, қурувчи бирор биносини, борбон бирор боғини, дўкондор бирор дўконини, тегирмон юргизувчи бирорта тегирмонини, хуллас, ҳар қандай даромад берувчи бирор мулкни вақф қилиб беради.

Ана шу актив даромад яратади: ижарага берилган ердан; бинодан, тегирмон хизмат ҳақидан даромад келиб туради. Бу даромадлар — вақфнинг “қони” ҳисобланади.

Даромадлар эса белгиланган ижтимоий мақсадларга йўналтирилади. Мадраса ходимлари маоши, беморларга дори-дармон, мусофирларга овқат бериш ва албатта, йўллар таъмири ҳам шу даромад ҳисобидан таъмирланади.

Вақфни бошқарувчи мутавалли вақф мулкни сақлайди, даромадини тўплайди ва мақсадга сарфлайди. У — ишончли шахс. Ва унинг ишлари ҳам доимо жамоат назоратида бўлади. Бугун бу тизим, замонавий нуктаи назардан қараганда, **ижтимоий таъсир фондининг** илк кўриниши экани аниқ бўлади.

Амир Темур вақф институтига муносабатда иккита ноёб хусусият кўзга ташланади.

Биринчи хусусият миқёс бўлиб, бунда Амир Темурнинг фақат бир-икки вақф билан чекланмаганини кўрамиз. У вақфни тизимли равишда ривожлантирди. Тарихий манбалар кўрсатадики, Темурийлар даврида Туронзаминда юзлаб, ҳатто минглаб вақф мулклари фаолият



кўрсатган. Айтиш мумкинки, пойтахт Самарқанднинг катта қисми вақф мулки эди.

Бу миқёс вақфини шахсий саховатдан тизимий ижтимоий инфратузилмага айлантирганини ҳам яхши биламиз.

Иккинчи хусусият стратегик ёндашув бўлиб, Амир Темур вақфини тасодифий эмас, стратегик тарзда ташкил этди: қаерда карвонсарой зарур бўлса, ана ўша жойда вақф қилинди; қаерда мадраса керак бўлса, у ерларда ҳам вақф имкониятлари ишга солинди; қаерда шифохона бўлса, ўша ҳудудда вақф мулки берилди.

Вақф — ижтимоий эҳтиёж харитасига мос ташкил этилди. Бу — стратегик ижтимоий инвестиция эди.

Шу жиҳатдан қараганда, Амир Темур даврида вақф институти тўртта муҳим иқтисодий функцияни бажарганига гувоҳ бўламиз:

Биринчи функция — ИЖТМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМА эди.

Давлат бюджетига ҳамма нарсани қоплай олмайди. Амир Темур даврида ҳам шундай эди. Вақф институти ана шу бўшлиқни тўлдирди. Масалан, шифохоналар давлат ҳаражатиносиз вақф ҳисобидан фаолият юритарди; мадрасалар ҳам давлат бюджетисиз ҳаракатда эди; карвонсаройлар эса, юқорида таъкидлаганимиздек, фақат вақф мулки ҳисобидан кун кўрарди, давлат ресурсларисиз. Кутубхоналарни айтмас ҳам бўлади, уларга вақф мулки ажратилган савобталаб тадбиркорлар, ҳомийлар ҳаддан ташқари кўп эди. Шунинг учун ҳам ўша даврларда ҳаттолик жуда кенг қулоч ёйган эди.

Бу — замонавий “давлат-хусусий шериклик”нинг илк ва энг муваффақиятли намуналаридан биридир.

Давлат ижтимоий тартибни ва қонунни таъминласа, хусусий вақфлар ижтимоий хизматларни йўлга қўярди ва иккаласи биргаликда умумижтимоий инфратузилмани яратишарди.

Иккинчи функция — ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛАШТИРУВЧИ.

Вақф — бойлик тўплатишига тўсиқ ва ижтимоий тенгсизлиқни камайтирувчи механизм

сифатида ишлади. Тасаввур қилинг: йирик ер эгаси ўз ерларини вақфга ажратди. Энди бу ер унинг ворисларига мерос эмас, энди жамоат манфаатига хизмат қилади. Ворислар бойлики мерос қилиб ололмади. Аммо ана шу вақфдан жамоат, шу жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар ҳам фойдаланиши мумкин эди.

Бу — “бойлиқни тарқатиш” ихтиёрий бўлиб, у ҳеч қачон мажбурий солиқ бўлган эмас, ижтимоий меъёр ҳамда маънавий идрок орқали амалга оширилган тизим эди. Муҳими, ижтимоий барқарорлик — иқтисодий фаолликнинг муҳим шарты таъминланган.

Учинчи функция — УЗОҚ МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯ.

Вақфнинг энг ноёб хусусиятларидан бири — унинг узоқ ишлаш фаолиятидир. Чунки вақф — абадий, у бир авлод учун эмас, барча авлодлар учун яратилган тизим. Лекин у замонавий капитализмда кам учрайдиган ҳодиса. Квартал фойдасини максималлаштиришга қаратилган замонавий бизнес узоқ муддатли инвестицияга ўтишда қийинчиликларга учрайди. Вақф эса, аксинча, дастидан бошлаб узоқ муддатни кўзда тутди. Масалан, мадраса бир авлод талабалари учун эмас, карвонсарой фақат битта савдогар учун эмас, шифохона ҳам худди шундай — битта бемор учун эмас. Бу узоқ муддатга мўлжалланган тизим ўтмишда ижтимоий инфратузилманинг барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлагани билан қадрли ва ўрганишга арзийдиган ҳодисадир.

Тўртинчи функция — МАДАНИЙ ҲИМОЯ.

Вақф нафақат моддий, балки маданий инфратузилмани ҳам ўзида акс эттирди. Кутубхона вақфлари кўлэзма асарларни авлоддан авлодга ўтказди, мадраса вақфлари билим аъёнларини узвийлаштирди, масжид вақфлари эса диний ва маданий ҳаётни давом эттирди.

Тарихда кўп маданий инқилоблар, уруш-талашлар, вайронгарчиликлар, ур-тўполонлар пайтида кўплаб кутубхоналар, мадрасалар кули қўққа совирилди. Аммо вақф тизими туфайли Темурийлар даврининг кўп маданий мероси омон қолди. Мирзо Улуғбекнинг

Амир Темурнинг иқтисодий ислохотларидан чиқадиган хулоса: — У халқдан олган нарсасини халққа қайтарди. Чунки ўзини халқ мулкининг хўжайини эмас, посбони, бошқарувчиси, деб биларди.

ноёб “Зижи Кўрагоний”си, Алишер Навоийнинг барча асарлари, Камолитдин Беҳзоднинг қимматбаҳо миниатюралари бизгача етиб келди. Тадқиқотлар кўрсатадики, узоқ муддатли, мустақил бошқариладиган ижтимоий инвестициялар қисқа муддатли, реклама мақсадидаги КИЖ дастурларидан кўра анча самаралироқдир. Бу жиҳатдан Вақф модели замонавий КИЖдан устун эканини ҳам кўриш мумкин.

Тарихий манбаларда Амир Темур ва унинг оиласи асосчилик қилган бир неча вақфнинг батафсил тавсифи сақланиб қолган. Уларни кўриб чиқайлик.

Амир Темур жоме масжиди вақфи. Масжид қурилиши билан бирга унга тегишли вақф ҳам ташкил этилди. Самарқанд атрофидаги унумли ерлар, бир неча дўкон ва карвонсаройлар унга вақф қилиб берилди. Ва улардан келадиган даромад масжид хизматчилари маоши, бинони таъмирлаш ва камбағалларга ёрдам учун сарфланади.

Шоҳинда мажмуаси вақфи. Бу қадимий зиёратгоҳнинг атрофида жойлашган мақбаралар ва бинолар вақф тизими орқали авлоддан авлодга сақланиб келди. Зиёратчилар учун хизматлар, биноларни сақлаш — барчаси вақф даромадидан қопланарди.

Аҳмад Яссавий мақбараси. Амир Темурнинг мазкур улугвор мажмуага берган вақф ҳужжатлари сақланиб қолган.

Амир Темур ўзи ҳам бир неча муҳим вақф ташкил этганди. Жумладан, Шаҳрисабзда мактаб ва шифохона учун ерлар вақф қилинган.

Бу мисоллар шуни кўрсатадики, Амир Темур вақфини нафақат диний бурч, балки **стратегик ижтимоий инвестиция** сифатида кўрди. Ҳар бир вақф аниқ ижтимоий эҳтиёжга жавоб, ҳар бир вақф узоқ муддатли барқарорликка қўшилган ҳисса бўлган эди.

Вақф институтининг иқтисодий ўсишга таъсири тўғридан-тўғри эмас, у билвосита бир неча тамойил орқали ишларди.

Биринчи тамойил — инсон капитали. Мадрасалар ва шифохоналар вақф томонидан молиялаштирилган. Мадрасалар саводли, малакали кадрлар тайёрлади. Шифохоналар соғлом, меҳнатга яроқли аҳолини таъминлади. Соғлом ва саводли аҳоли эса иқтисодий унумдорликка улкан ҳисса қўшди.

Замонавий иқтисодиёт фани инсон капита-

лини — таълим ва соғлиқни сақлаш — иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан бири деб ҳисоблайди. Амир Темур вақф тизими орқали айнан шу омилга инвестиция қилган эди.

Иккинчи тамойил — ижтимоий капитал. Вақф жамят ичда ишонч ва ҳамжихатликни мустаҳкамлади. Бойлар вақф орқали камбағалларга ёрдам берди. Камбағаллар бойларни ҳурмат қилди. Ижтимоий ҳамжихатлик иқтисодий фаолликнинг муҳим шарты сифатида жамят ривожига ҳисса қўшди.

Учинчи тамойил — инфратузилма. Карвонсаройлар, кўприклар, йўллар вақф тизими орқали қурилган ва сақланиб келган. Бу инфратузилма савдо ва иқтисодий фаолликнинг асоси сифатида хизмат қилди.

Тўртинчи тамойил — ижодий муҳит. Кутубхоналар, мадрасалар, устaxonалар вақф орқали молиялаштирилган ижодий муҳит яратди. Бу муҳитда фан, санъат ва хунармандчилик ривожланди. Ва бу ривожланиш иқтисодий қийматнинг ўсишига олиб келди.

ЗАМОНАВИЙ ВАҚФ

Бугун вақф институтининг замонавий кўринишлари дунёнинг кўп мамлакатларида муваффақиятли ишламоқда. Масалан, Кувейт ҳукумати вақф институтини замонавий тарзда ташкил этган. Бугун бу фонд миллион долларлик активларга эга.

Малайзия вақф институти замонавий молиявий воситалар — вақф сукук (исломий облигациялар), вақф акциялари билан бойитида. Бугун Малайзия вақф фондлари миллиард рингит активларга эга ва юз минглаб кишига хизмат кўрсатмоқда.

Ҳарвард университети жамғармаси ҳам аслида вақф моделига асосланган. 1636 йилда ташкил этилган мазкур жамғарма бугун 50 миллиард доллардан ошқ активларга эга. Унинг даромадлари ҳисобидан университетнинг илмий ва таълим фаолияти молиялаштирилади.

Замонавий Ўзбекистон. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам вақф институти тиклаш ва ривожлантириш бўйича муҳим қадамлар ташланди. Вақф фондлари ташкил этилмоқда. Диний ва таълим муассасалари учун вақф мулклари қайтарилмоқда.

Амир Темур биринчи навбатда реал ижтимоий эҳтиёжни аниқлаган эди. Кейин узоқ муддатли, барқарор молиялаштириш механизмини яратди. Сўнгра мустақил, ишончли бошқарувни таъминлади. Ва ниҳоят, натижаларни жамоат назоратига очди.

Вақф модели — қарама-қарши ёндашув: асосий капиталга теғма, даромадидан фойдалан ва абадий ишлаш. Бу модель бугунги “барқарор ривожланиш” тушунчасининг моҳиятини кўрсатиб беради.

Амир Темур бу моҳиятни 600 йил аввал тушушган эди.

Замонавий тадқиқотлар нима дейди? Ҳарвард бизнес мактаби тадқиқоти: юқори КИЖ кўрсаткичига эга компаниялар узоқ муддатда паст КИЖ компаниялардан 4,8 фоиз юқори даромад кўрсатади. “McKinsey” компанияси тадқиқоти: кучли ижтимоий обрўга эга компаниялар инқирозларда 30 фоиз тезроқ тикланади. Эдельман маълумотларига кўра, истеъмолчиларнинг 64 фоизи ижтимоий жиҳатдан жавобгар компаниялардан харид қилишни афзал кўради.

Амир Темур вақфи бу ҳақиқатни амалда иботлаган эди.

Тўлқин ҲАЙИТ.

ЯНГИ НАШР

Мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёев Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 80 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган табриғида шундай деган эди: “Башарият тарихидаги энг даҳшатли қирғин бўлган Иккинчи жаҳон уруши дунё халқлари, жумладан, эл-юртимиз бошига солган оғир мусибатлар, мислсиз кунлар ва йўқотишлар ҳеч қачон унутилмайди.”

Бу — замон ва макон чегарасини билмайдиган чинакам мардлик ва қаҳрамонлик солномасидир.

Бундай муаззам, шонли зафарга муносиб ҳисса қўшган матонатли халқимиз билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Кейинги йилларда жонқуяр олим ва мутахассисларимизнинг илмий изланишлари туфайли Иккинчи жаҳон уруши тарихининг янги саҳифалари билан танишмоқдамиз.”

Давлатимиз раҳбарининг ана шу концептуал ғоялари подполковник, доцент Шерзод Алимовнинг “Иккинчи жаҳон урушида ҳарбийлар ва халқ жасорати, матонати ҳамда ҳозирги замон” номи янги рисоласида илк бор монографик тадқиқот сифатида умумлаштирилди (“Ворис” нашриёти, 2026 йил).

Китобда қайд этилганидек, Президентимиз раҳнамолигида уруш йилларидаги ҳарбий-тарихий ҳақиқатни адолатли тиклаш мақсадида махсус оператив-қидирув гуруҳлари тузилиб, ноёб манбалар ўрганилди. Натижада кўплаб чигалликларга тарихий адолат

ВАТАН УРУШИ ҚАҲРАМОНЛАРИ:

ИБРАТ МАКТАБИ ВА ҚАҲРАМОНЛИК СОЛНОМАСИ

мезони асосида аниқлик киритилиб, асл рақамлар юзага чиқарилиди. БМТ ва ШҲТ талабларига мос келадиган, халқро миқёсда эътироф этилувчи умумий ҳарбий тарихимизни яратиб борасида, айниқса, 2016 йилнинг кузидан бошлаб том маънода янги давр бошланди. Бу йўналишда 2017–2018 йилларда Юртбошимизнинг бир қатор махсус қарор ва фармойишлари қабул қилинди.

Архив ҳужжатлари ўрганилганда, фашизмга қарши урушга ўша даврда 6 миллион 800 минг кишидан иборат бўлган республикамиз аҳолисининг 1 миллион 950 минг нафари сафарбар этилгани маълум. Демак, ҳар уч нафар ўзбекистонликдан биттаси қўлига қурол олиб, урушга сафарбар қилинган. Бу билан қарийб 70 йил давомида эътибордан четда қолиб келган 451 минг нафар юртдошимизнинг номи ва тақдир қайта тикланди.

Шунингдек, илгари урушда 396 минг ўзбекистонлик ҳалок бўлган, деб ҳисобланарди. Сўнгги тадқиқотлар эса бу рақам аслида 538 мингдан зиёд эканини, бундан ташқари, 158 мингдан ортиқ ватандошимиз бедарак кетгани маълум бўлди. Бугун ана шу тарихий ҳақиқат тикланиб, халқимизнинг қаҳрамонлиги муносиб баҳоланмоқда. Зотан, аждодларимизнинг бугунги тинч кунлар учун берган қурбонликларини эътироф этиш ва келажак ав-

лодга ибрат қилиб қолдириш биз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Уруш майдонларига мардондор жанг қилган ўзбекистонлик аскар ва офицерларнинг 214 мингга яқини жанговар ордан ва медаллар билан мукофотланган, 301 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига, 70 нафардан зиёди учала даражадаги “Шон-шараф” (“Слава”) орденига сазовор бўлгани уларнинг беқиёс жасоратидан далолат беради.

Шу билан бирга, Ўзбекистон фронтини мустаҳкам таъминот базасига айланди. Юртимиздан жанг майдонларига улкан миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак ва озиқ-овқат етказиб берилди. Ватан ичкарисига уруш ҳудудларидан 170 дан ортиқ завод ва фабрика кўчириб келтирилди ва қисқа муддатда 280 та янги корхона бунёд этилди. Халқимиз гоят оғир шароитга қарамай, эвакуация қилинган 1 миллион 500 мингга яқин инсонни, жумладан, 250 минг нафар етим болани бағрига олиб, юксак гуманизм намунасини кўрсатди.

Китоб муаллифи уруш давридаги жипслик ва матонатни бугунги кундаги тинчликни асраш гоёси билан ҳам узвий боғлайди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда ёшларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, диёримиздаги тинчлик ва барқарор-

ликни, миллатлар ва динлараро аҳиллик ва тотувликни асраш йўлида қаҳрамон ота-боболаримизнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўрсатган сабот ва матонати биз учун ҳамшира ибрат мактаби, куч ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади.”

Бугунги кунда Янги Ўзбекистоннинг дунё сахнасида глобал хавфсизлик ва тинчлик ташаббускори сифатида эътироф этилиши ҳам ана шундай тарихий матонат ва бағрикенглик аъёнларининг мантиқий давомидир. Масалан, жорий йилнинг январь ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг АҚШ Президенти ташаббуси билан ташкил этилган Тинчлик кенгаши тадбирларида иштирок этиши ва Фалатиндаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал этиш, беайиб аҳоли хавфсизлигини таъминлаш бўйича илгари сурган тақлифлари халқро ҳамжамят томонидан юқори баҳоланди. Бу жараёнлар Ўзбекистоннинг нафақат ўз ўтмишига, балки бугунги умумбашарий барқарорликка ҳам масъулият билан ёндашаётганини кўрсатади.

Шерзод Алимовнинг ушбу тадқиқоти тўртта муҳим бобдан иборат бўлиб, унда қуйидаги масалалар тизимли таҳлил қилинган:

Биринчи бобда урушнинг бошланиши, Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳарбий изга кўчирилиши ҳамда ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий-техник ре-

сурсларнинг фронт эҳтиёжларига сафарбар этилиши;


Иккинчи бобда ўзбек ўғлонларининг Ватан ҳимояси йўлидаги жасорати ва матонати, шунингдек, уруш йилларида чоп этилган миллий ҳарбий матбуотнинг жангчилар руҳиятини кўтаришдаги ўрни;

Учинчи бобда жанг майдонларида ва фронт ортида фидокорлик кўрсатган ватандошларимизнинг ибратли фаолияти;

Тўртинчи бобда эса урушнинг тарихий сабоқлари, аждодлар жасорати асосида ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг замонавий механизмлари янгича концептуал нуктаи назардан ёритилган.

Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва фронт орти фахрийларининг хотираларини тўплаб, кенг жамоатчиликка, айниқса, ёшларга тақдим этиш — уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда энг муҳим омил. Шу боисдан ҳам бугун бу мавзу нафақат олий таълим муассасаларида, балки кенг жамоатчилик платформаларида ҳам чуқур ўрганилмоқда.

Президентимиз жорий йилда Ғалаба боғида ўтказилган Хотира ва қадрлаш кунди тадбирида ҳақли равишда шундай таъкидлади: “Бир йил олдин мана шу ҳудудда “Миллат фидойилари” мажмуасини барпо этганимиз, албатта, бежиз эмас. У Ватан



ҳимояси ҳар бир авлоднинг муқаддасли экани, ватанпарварлик аъёнлари давомийлигини эслатиб туради”. Давлатимиз раҳбари уруш йилларида юксак матонат кўрсатган аждодларимизнинг оилаларини қўллаб-қувватлаш ва авлодлар ворисийлигини таъминлаш зарурлигини ҳам алоҳида қайд этди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси тарихимизнинг чинакам мардлик ва қаҳрамонлик солномаси бўлиб, Шерзод Алимовнинг янги рисоласи ана шу тарихни ўрганишда муҳим илмий-амалий манба бўлиб хизмат қилади.

Музаффар ТОҶИБОВ, ИИВ Академияси кафедра бошлиғи, тарих фанлари доктори, профессор, подполковник.

Бухоро давлат педагогика институтини жамоаси



Янги Ўзбекистоннинг янгиланаётган матбуотида ўз бурчини сиққидилдан адо этаётган журналистлар ва барча қалам аҳлини **27 ИЮНЬ – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ**

билан муборакбод этади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, юртимизда келажагимиз эгалари бўлган ёшларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш билан бирга, уларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Ана шундай эзгу ишларда эса сиз азиз матбуот аҳлининг ҳам хизмати каттадир.

Қадрли ОАВ вакиллари, соҳанинг муҳтарам фахрийлари!
Барчангизга касб байрамингиз муборак бўлсин!

июнь
27

**Матбуот ва оммавий ахборот
воситалари ходимлари куни**

■ **НУҚТАИ НАЗАР**

ГЕРБ — БУ ДАВЛАТНИНГ РАМЗИЙ ТИЛИДИР

“Умумий маънода озодликнинг дастлабки чорак асрига жиддий қарайдиган бўлсак, эркинликнинг назарий, ҳурриятимиз қайси йилга маънода “қарам мустақиллик”дек туюлар эди. Кўча ва хиёбонларимизга осилган шиорларимиз ҳам буни бот-бот эслаб турарди: “Янги уй қурмай туриб эскисини бузма!” Айнан мана шу эскисини бузмай сақлаб қолиш “анъанаси” миллат ва давлат “қоди” мақомида миллий рамзларимизда ҳам ўз “таровати ва теран гўзаллиги”ни акс эттиришга улгурди. Делик, мустақилликка эришганимиздан кейин ҳам гербимиздаги чамбаракка алвон-ла ўралган “ифтихоримиз рамзи” бўлган пахта ва ғалла тасвирлари ўзгармади. Нега? Ҳолбуки, Президентимиз кўп бор айтганларидек, пахтадан оладиган дамимиз ўша йиллари бир миллиард долларга етиб-етмаган. Шу ҳолича ҳам ушбу деҳқончилик маҳсулотлари бизнинг ижтимоий-маънавий идентлигимизни белгилаш керакмиди? Биз ўз асрий орзу-армонларимиз, улуг ниятларимиз ва бу жаҳондаги руҳоний “ўзлигимиз”ни шу ўсимликлар сиймосига қўришимиз керакми?.. Албатта, бу мустақилликдан кейин ҳам бир оғимиз мафкуравий жиҳатдан сояқ тизим харобалари узра қолиб кетганини англатади...”

...Вақт шуни кўрсатдики, мустақилликимиз ва ўзлигимизни ифода этувчи символларимиз — давлат рамзларимиз моҳиятида ҳам ўтган асрнинг 90-йилларидаги сиёсий ҳавотир, қўрқув ва иккиланган таассум топан... Айни маъзудаги сўзимни яқинлаб шуни айтишим мумкинки, бу олмон файласуфи Эрих Фромм тасвирлаган “Озодликдан қочиш” феноменига жуда яқин ҳодиса эди. Айтилган мулоҳазалар бизнинг тасавурларимизда буғун мамлакатимизнинг уч хил характердаги кўринишини акс эттириши билан ниҳоятда аҳамиятли: “Совет Узбекистон”, “Пост-коммунистик Узбекистон” ва “Янги Узбекистон”...



мони эса чаноқлари очилган гўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида Республика хурлигининг рамзи сифатида саккиз бурчак тасвирланган бўлиб, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвирланган. Гербнинг марказида бахт ва эркесварлик рамзи — қанотларини ёзган Ҳумо қуши тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида Узбекистон Республикаси Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантида “O‘zbekiston” деб ёзиб қўйилган.

Узбекистон Республикаси Давлат гербининг рангели кўринишида: Ҳумо қуши ва дарёлар — қумуш рангида; қуёш, бошоқлар, пахта чаноқлари ва “O‘zbekiston” ёзуви — олтин рангида; гўза шохлари ва барглари, тоғлар ва водий — яшил рангида; чаноқлардаги пахта — оқ рангида; лента — Узбекистон Республикаси Давлат байроғининг ранглари акс эттирувчи уч хил рангида; саккизбурчак — олтин зарҳал билан хошияланган ҳолда ҳаво рангида; ярим ой ва юлдузлар — оқ рангида тасвирланган”.

Деталлар, ранглар, ижро уйғунлиги бир қарашда қиёсийли, қўзни кувнатади. Герб яратишнинг ёзилган қонун-қоидаси йўқ, лекин анъанавий, илмий ва нафис тамойилларини ўрганувчи тарих фанининг геральдика йўналиши бор. Герб — бу давлатнинг “белгиси” ёки “юзи”, уни бошқаларга танитиш воситаси. У расмий ҳужжатларда, паспорт ва пулларда, давлат бинolariда музайян этилади. Унда давлатнинг тарихи, маданияти ва қадриятлари, табиий бойликлари, халқнинг миллий ўзлиги жамланади. У бир кўзга бўлиб, унда шахс ўзини мамлакат, тарих ва жамият қадриятларига узвий боғлиқ ва улара сингиб кетган ҳолда кўради ва ҳис этади.

Агар халқ ўз рамзларини англамаса, у тарихий хотирасидан узилди. Герб — миллий руҳ ойнаси, шу боис уни тижоратлаштиришга йўл қўйилмайди. Давлат герби мангуликка дахлдор қадриятдир. Уни тижоратдан муҳофазат қилиш — миллатнинг ўз қадр-қимматини ҳимоя қилишидир. Герблар ҳар доим фақат безак белгиси сифатида эмас, балки фалсафа, ҳокимият ва миллий ғоя, миллий идентликнинг ифодаси сифатида ҳам қабул қилинади.

Буюк мутафаккирларнинг қарашларига кўра, герб — миллатни тушунишни истасан ҳар бир киши учун очик бўлган, кўз билан ўқиладиган китобдир. У нафақат рамз, балки миллатнинг ҳар уч замон — ўтмиш, бугун ва келажақдаги ҳолатини бирлаштирувчи маънавий қўлқирдир.

Мен учун давлат герби — расмий ҳужжатлардаги сурат эмас. У мамлакатлар ҳаётидаги муҳим воқеаларни эсга солиб турғувчи сермазун китоб. Ундаги тасвирлар орқали давлатнинг ижтимоий адолат, эркинлик, куч ва тинчлик боридаги идеаллари асқланади. Масалан, Хитой, Бразилия, Тунис, ЖАР, Индонезия, Панама, Хорватия, Австралия каби қатор давлатлар гербларидан тўрт, беш, олти, етти, саккиз қиррали юлдузлар акс этган.

Юлдуз — бу ҳақиқат нури, маърифат ва ақл тимсоли, инсонни юксакликка қорловчи, умид ва ишонч бағишловчи рамз. У гўё зулматда йўл кўрсатувчи нур каби инсонни мақсад сари етаклайди. Юлдуз шаклларида ҳам чуқур маъно мужассам.

Энг муҳим хусусиятларини — куч-қудрат, ҳокимият, эркинлик, донолик ёки табиий ўзига хослигини акс эттирган. Масалан, шер жуда кўп халқларда азалдан жасорат, мардлик ва олижаноблик тимсоли сифатида қабул қилинган. У ҳукмонлик ва кучни англатади, бургут осмон ҳукмдори сифатида эркинлик, қудрат, хурлик ва ўткир нигоҳ аломатидир. Шу боис у дунё гербларида энг кўп учрайдиган қушлардан биридир.

Папуа-Янги Гвинеядаги жаннат қуши мамлакатнинг табиий гўзаллиги ва бойлигини англатади, Беларусда лайлак поклик ва миллий софлик рамзи сифатида талқин қилинади.

Бу жониворларга муайян ғоя ёки ҳаётий фалсафа юкланган. Масалан, Австралия гербидеги кенгуру ва эму қушлари фақат олдинга ҳаракат қилиш рамзи деб тушунилади. Чунки бу жониворлар орқага юришга мослашмаган. Бу эса тараққиёт, олға интилиш ва орқага қайтмаслик ғоясини ифода қилади.

Бунга қийсан шер ва йўлбарс сингари ҳайвонлар тимсолига ҳокимият ҳамда куч-қудрат каби фалсафий ғоялар сингирилган.

Бизнинг гербимиз композицияси марказида саодатли ҳаёт ва эркесварлик рамзи сифатида Ҳумо қуши тасвирланган. Навоий, Аттор, Фирдавсий каби мумтоз адабиёт устунларининг асарларида, халқ орабига ижодида Ҳумо қуши бахт, омад ва юксаклик рамзи сифатида талқин қилинади. Ривоятларга кўра, у ерга камдан-кам кўнади, доимо осмонда парвоз қилади ва киши кўзига ташланмайди. Халқ орасида “Ҳумо сояси тушган инсон бахтли бўлади”, деган қараш кенг тарқалган.

Унинг кенг йўлланган қанотларига тинчлик, ҳимоя ва фаровонлик; парвозига халқнинг ёруғ келажакка интилиши сифатлари берилган.

Хумо — ансон хурлиги ва қўл етмас орзулари рамзи, уни тутиб ёки қафасга солиб бўлмайди.

Умуман олганда, жаҳон халқларида қушларга кўпинча ҳаёт ва фаровонлик белгиси сифатида қаралади (“қуш муборак бўлсин”, “қушдек энгил бўлинг” каби ибораларни бир эсланг).

Ҳайвонлар эса тинчлик қалқони, халқ куч-қудрати, интилишлари тимсоли сифатида намоён бўлади.

Давлат гербларида ўсимликлар дунёси (флора) халқнинг миллий ўзлиги, тарихий мероси ва асосий хўжалик йўналишларини ифода қилади. Масалан, зайтун ва лавр шохлари Жанубий Европа, Урта Ер денгизи минтақаси, шунингдек, Жанубий Америка ва Африкадаги бир қатор давлатларда ғалла ва шон-шараф атрибуты ҳисобланади. Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида эса шолчи тасвири фаровонлик, रिझ-рўз ва деҳқончилик маданиятига ишора қилади.

Гербшуносликда мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, жумладан, қишлоқ хўжалиги ва саноати оид ишоравий белгилар ҳам акс эттирилади.

Хитой гербидеги тишли гилдирак ҳамда шолчи ва бўғдой бошоқлари ишчи ва деҳқонлар бирлигини ифодаласа, Италия гербидеги тишли гилдирак меҳнатга таянган республика тамойилини англатади. Ангола, Вьетнам ва КХДР каби давлатлар гербларида эса саноат ва қишлоқ хўжалигининг уйғунлиги, озодлик учун кураш ғоялари сингирилган.

Бироқ шуни англаш муҳимки, герблар — бу ўткинчи техник белгилар тўплами эмас, балки абадий қадриятлар тизимидир. Шу сабабли, иқтисодий ёки илмий маҳсулотларига асосланган давлатлар ҳам ўз гербларига нефть миноралари ёки замонавий ускуналар тасвирини туширмайдилар. Зеро, техник воситалар вақт ўтиши билан ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин, аммо гербга сингирилган миллий идеаллар ва ҳаёт фалсафаси ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди.

Масалан, гербимиз (жумладан, Тожикистоннинг ҳам) чамбаридеги пахта, бўғдой бошоғи тасвири ўз умрини ўтаб бўлган, коммунистик ғоялар таъсирдан буткул қутулмаган эскирган анъанавий ёндашув деб

билан. Бу ўсимликлар гербдаги марказий элементларни ўраб, ер ва меҳнат давлатнинг пойдевори эканини таъкидлаб туради.

Гербимизда деталлар орқали мамлакатимиз табиати, халқимиз маънавий қадриятлари яхши ифодаланган. Аммо унинг дизайни эскирган, унга янги маъно юклаш лозим.

Чунки герб оддий логотип эмас. У тарихий хотира, давлат боқийлиги, халқ идентфикацияси билан боғлиқ кучли рамз. Шунинг учун давлат гербларининг ўзгариши, одатда, муҳим тарихий воқеалар — инқилоблар, ҳокимият алмашинуви, мустақилликка эришиш ёки идеология ўзгариши билан боғлиқ кечади.

Хозирги глобал геральдика тенденциясида, экспертлар фикрича, қўл давлатлар аграр деталлари камайтириб, кўпроқ умумий, абстракт атрибутлар (геометрия, минимал тимсоллар, миллий тотемлар)га ўтмоқда.

Пахта совет даврида миямизга “меҳнат ва фаровонлик”, бўғдой эса “нон, रिझ, мустақиллик ва озиқ-овқат хавфсизлиги” рамзи сифатида сингирилган. Бундай талқин бугунги кун реаллигига, замонавий иқтисодийнинг кўп тармоқли, диверсификациялашган хусусиятини қамраб олмади. Улар халқнинг меҳнат анъаналарини кўрсатса-да, янги авлоднинг илму фан, технология ва тараққиётга бўлган интилишини, дунёқарашини гавдалантирмади.

Дарвоқе, бугунги кунда мамлакат тараққиётини саноат, хизматлар ва инновацион соҳалар белгиламоқда. Биргина 2025 йилдаги иқтисодий кўрсаткичлар (10 млн тоннадан ортқ ғалла ва тахминан 4 млн тонна пахта) ушбу соҳаларнинг ялпи ички маҳсулотда ҳал қилувчи, устун ўринни эгалламаётгани, давлат келажакни белгилувчи ягона омил эмаслигини кўрсатмоқда. Бу каби аграр белгилар тегишли вазирилик эмблема-ларида мантикийроқ кўринади.

Герб — бу шунчаки расмлар тўплами эмас, балки халқнинг ўзи ҳақидаги тасавури, давлатнинг руҳий “тили”дир. Шу нуқтаи назардан қаралганда, у миллат ўзини қайси йўналишда кўраётганини ҳам кўрсатиши керак. Чунки герб келажакка қараб турган маънавий йўналиш, узок йиллар давомида аҳамиятини йўқотмайдиган универсал рамз бўлиши лозим.

Масалан, гербда Узбекистонни илму маърифат ва буюк алломалар юрти сифатида танитувчи тимсоллар билан бойитиш, унинг инновация, технология ва замонавий тараққиёт марказига айланишга қаратилган стратегик йўналишларини тимсолий тарзда ифодалаш мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, бу рамзлар давлатнинг билим, маърифат ва тараққиётни энг устувор қадрият сифатида кўришини аналитади. Ана шунда, буюк давлат арбоби Бен-Жамин Франклин айтганидек, гербдаги деталлар тилга қиради: қуш эркинлик ҳақида сўзлайди, китоб маърифат таратади, гулчамбар эса халқнинг шон-шарафини улуғлайди. Бундай образлар ҳар бир фуқарога шахсий манфаатлардан юқори туришни ва давлатнинг буюк ғоясига хизмат қилиш муқаддас бурч эканини эслаб туради.

Ҳар қалай, гербдаги бўшаб қолган ўринларни тўлдирадиган, халқимиз табиатини гавдалантирадиган жиҳатларимиз кўп. Масалан, баъзи давлатлар анъаналаридан илҳомланиб, герб чамбарига давлатимиз тарихи, қадриятлари ҳамда мақсадларини, миллий фалсафани акс эттиргувчи шиорларни (дейлик, “Куч — адолатда”, “Куч — илмда” ва ҳоказо) муҳрашмиши мумкин. Зеро, Франция гербидеги “Озодлик, Тенглик, Биродарлик”, АҚШдаги “Қўллардан — бирлик” ёки Испаниядаги “Олга, яна олға”, Нигериядаги “Бирлик ва ишонч, тинчлик ва тараққиёт”, Бельгия ва Гаитидаги “Куч бирликда” каби калималар миллатнинг йўналишини белгилаб беради. Бизнинг рамзимизда ҳам Амир Темур бобоимизнинг “Куч — адолатда” ёки маърифатпарвар аждодларимизнинг “Нажот — илмда” каби ўлмас қўли акс этса, герб шунчаки тасвирий йиғинди эмас, балки ҳақиқий миллий дастурга айланади.

Баъзан ўзаро суҳбатларда гербимизда туркий халқларнинг бош бўгини — кўк бўри акс этиши шарт эди, деган армонли мулоҳазалар янграб қолади. Кўк бўри ва Ўғзхон бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларни айри тасавур этиш мушкул. Тарихнавис Абулғозӣ Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” ёки Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”дан чиқадиغان ҳулоса шулки, Ўғзхон аниқ тарихий шахс эмас, балки эпик ва афсонавий қаҳрамон бўлиб, унинг “подшоҳлик даври” ва “худуди” реал эмас, балки туркий халқлар тарихи ва ўзини англашидаги мифологик тасавурдир. Афсоналарга кўра, Ўғзхон жуда катта худудни эгаллаган. Унинг “давлати” қадим Хоразм замини, Эрону Озарбайжондан то Анадолугача бўлган ерларни қамраб олган деб тасвирланади.

Туркий мифологияда Ўғзхон (Ўғуз-қоон) ва Кўк бўри илоҳий келиб чиқиш ва ҳокимиятнинг асосий рамзлари ҳисобланади. “Ўғузнома”да афсонавий ҳукмдор Ўғзхон — туркий қабилаларнинг бобоқалони сифатида тасвирланади. Ривоятга кўра, Кўк бўри нурдан яралган, қаҳрамон сифатида туғилган ва у сирдан (оёқлари буқа, бел қисми бўриники) қуддусий куч сифатини беради.

✓ **ФАОЛИЯТ**

ЮКСАК ТАФАККУР – ЖАМИЯТНИ ЎЗГАРТИРАДИГАН КУЧ

Самарқанд давлат чет тиллар институтида дунё тилларида эркин сўзлаша оладиган мутахассислар тайёрланмоқда

Бугун Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлининг мутлақо янги, пойдевор босқичини босиб ўтмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Янги Ўзбекистон гоёси ва Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этиш стратегияси миллатнинг уйғониши, ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавий ҳаётнинг тубдан янгиланиш жараёни экани исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатга айланди. Хўш, мана шундай тарихий бурилиш палласида оммавий ахборот воситалари вакиллари — журналистларнинг ўрни ва масъулияти нималардан иборат?

Ҳар қандай уйғониш ва юксалиш даври адолат ҳамда шаффофлик пойдевори устига қурилади. ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали кузатяпмизки, бугунги ўзбек журналистикаси шунчаки расмий тадбирларни ёритувчи “кўзгу” вазифасидан чиқиб, жамият ҳаётидаги ўткир муаммоларни дадил кўтариб чиқувчи, мавжуд камчиликларни рўйроқ танқид қилувчи кучга айланди.

Журналистлар давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг халқ олдидаги ҳисобдорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Коррупцияга қарши курашиш, бюрократияни фож этиш ва қонун устуворлигини қарор топтиришда журналистик чиқишлар энг таъсирчан қурол бўлиб хизмат қилмоқда. Негаки, сўз эркинлиги бор жойда ривожланиш бўлади; яширин иқтисодиёт ва коррупция эса шаффофликдан жуда кўрқади.

Бугунги кун журналистнинг вазифаси — жамиятда илм-фан, маърифат ва китобхонликни энг юқори чўққига олиб чиқишдир. Матбуот саҳифаларида, эфир ва ижтимоий тармоқларда энгил-елпи контентлар эмас, балки ёшларни чуқур мушоҳадага чорлайдиган, уларда АТ, тадбиркорлик ва инновацияга ҳавас уйғотадиган материаллар кўпайиши керак. Журналист — миллат тарбиячиси, янги давр қаҳрамонларини кашф этувчи ва уларни жамиятга ўрнак қилиб кўрсатувчи маърифат.

Сир эмаски, бугунги дунё нафақат иқтисодий ёки ҳарбий, балки кучли гибрид ва ах-



кучдир. Ана шундагина биз кўзлаган буюк келажак пойдевори мустаҳкам ва ортга қайтмас тус олади.

Ренессанс — бу, энг аввало, тафаккур инқилобидир. Биринчи ва Иккинчи Ренессанслар Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Низомиддин Мир Алишер Навоий, Камолiddин Беҳзод сингари буюк бобоқалонларимизнинг интеллектуал салоҳияти тўғрисида вужудга келди. Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйиш ва Янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу фақат янги биолаш, замонавий инфратузилма ёки иқтисодий кўрсаткичлар билан ўлчанадиган жараён эмас. Бу, энг аввало, инсон тафаккури, дунёқараши ва маънавий қиёфасини янгилаш демакдир.

Тарих шуни кўрсатадики, ҳар қандай буюк уйғониш аввало сўздан, фикрдан ва ҳақиқатни айтишга журъат топган зиёлилар сафидан бошланган. Шу маънода, бугунги журналист зиммасидаги масъулият оддий касбий бурчдан анча юксак — у халқ тафак-

рихи, “Миллий ва жаҳон журналистикаси тарихи”, “Халқаро журналистикада жанрлар”, “Аудиовизуал журналистика”, “Фотожурналистика асослари”, “Босма оммавий ахборот воситаларида жанрлар ва маҳорат масалалари”, “Давлат бошқарув органлари билан ишлаш”; нутқ ва лингвистик маҳорат фанларидан “Медиаингвистика ва адабиёт”, “Ўзбек ва жаҳон адабиёти”, “Ўзбек тилининг амалий услубияти”, “Бошловчи нутқ техникаси ва маҳорати”, “Нотиқлик санъати”; рақамли технологиялар ва ахборот хавфсизлиги бўйича “Ахборот технологиялари”, “Интернет ва коммуникациялар тарихи”, “Масс-медиада компьютер графикаси”, “Медиа ҳуқуқи”, “Медиа этикаси”, “Медиа билан ишлаш” ҳамда “Фавқулодда вазиятларда журналист хавфсизлиги” фанлари чуқур ўқитилмоқда.

Энг муҳими, институтнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, талабаларга хорижий тиллар интенсив тарзда ўргатилмоқда. Бу эса битирувчиларнинг жаҳон ахборот майдонига тўғридан-тўғри чиқишини таъминлайди. Мазкур тизимли ёндашув натижаси ўлароқ, бугунги кунда ушбу йўналишни битирган ёш мутахассисларнинг аксарияти нуфузли оммавий ахборот воситаларида, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ахборот хизматларида муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Замонавий журналистикани юқори технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу мақсадда институтда ташкил этилган замонавий мультимедиа маркази талабалар учун ҳақиқий тажриба майдонига айланди. Марказ энг сўнгги русумдаги компьютер техникаси, профессионал фото ва видеокамералар, овоз ёзиш ускуналари, ёритиш воситалари ҳамда ахборотни тахрирлаш учун мўлжалланган махсус дастурий таъминотлар билан жиҳозланган. Овоз ёзиш учун махсус акустик хонанинг мавжудлиги махсус сифатини профессионал даражага кўтарди.

Мультимедиа марказининг асосий ўзига хослиги шундаки, унинг фаолиятида сунъий интеллект имкониятларидан ва илғор ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланилмоқда. Бу ерда назария ва амалиёт уйғунлиги таъминланиб, муҳим

лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Булardan биринчиси 12 тилли глобал контент бўлиб, талабалар иштирокида испан, итальян, немис, француз, инглиз, рус, турк, араб, хитой, корейс, япон ҳамда ўзбек тилларида турли медиамаҳсулотлар, аудиокинолар тайёрланмоқда. Бўлажак журналистлар томонидан асос солинган “Янги Ренессанс” газетаси, “Самарқанд зиёси” радиоси, “Муваффақият формуласи” дастури ҳамда “Чегарасиз тахайюл” подкасти ёшларнинг эркин фикрлашлари ва ижодий маҳоратини юзага чиқаришга хизмат қилмоқда.

Мультимедиа марказидан масофавий таълим йўналиши талабалари учун махсус видеодарслар платформасини яратишда ҳам фойдаланилмоқда. Профессор-ўқитувчиларнинг видеодарслари тасвирга олинб,

қийлигини текшириш”, “Тўғрилик, ҳалоллик ва коррупцияга қарши муросасизлик”, “Экологик маданият”, “Яшил макон ва яшил иқтисодиёт ғоялари”, “Соғлом турмуш тарзи ва спорт” каби ҳаётий ҳамда стратегик мавзуларни қамраб олади.

Ушбу лойиҳалар нафақат институт доирасида, балки бутун вилоят ва республика миқёсида ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатувчи маънавий қалқон вазифасини ўтамоқда. Назарий билимларнинг амалиётда нечоғлиқ акс этиши соҳа мутахассисларининг тажрибасига боғлиқ. Шу боис институтда ташкил этилаётган маҳорат дарслари ва ижодий учрашувлар тизимли тус олган.

Хусусан, таниқли журналист ва адиб — “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник”



ижтимоий тармоқларга мунтазам жойлаштириб борилмоқда.

Ҳозирги глобаллашув ва виртуал макон ҳукмронлиги даврида ижтимоий тармоқлар нафақат ахборот ва таълим манбаи, балки ёшлар онгини заҳарлайдиган иллатлар полгонига ҳам айланмоқда. Интернет маконидagi назоратсизлик оқибатида кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказётган айрим ёшларда ижтимоий манкуртлик, сиёсий саводсизлик, жоҳиллик, мутаассиблик, радикализм ва “оммавий маданият” таъсирига кўр-кўрона эргашиш иллатлари намоён бўлаётгани сир эмас.

Институтимиз жамоаси ушбу маънавий хавф-хатарларга қарши фақатгина маърузалар билан эмас, балки замонавий медиамаҳсулотлар орқали курашиш стратегиясини танлади. Иқтидорли талабалардан ташкил топган медиастудия ижодкорлари томонидан “Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш — барчамизнинг бурчимиз”, “Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши биргаликда курашамиз” ҳамда “Жаҳолатга қарши маърифат” ғоялари остида туркум видеороликлар ва ижтимоий контентлар тайёрланиб, тармоқларда кенг тарғиб қилинмоқда.

Мазкур медиа маҳсулотлар ёшларни илм-фан ва касб-хунарга қизиқтириш билан бирга, “Ватанпарварлик, миллий ғурур ва ҳарбий хизматга шайлик”, “Ёшларнинг ахлоқий тарбияси ва муомала маданияти”, “Тарихий ва миллий ўзлигини англаш, маърифатпарварлик”, “Китобхонлик маданиятини шакллантириш ва тарғиб қилиш”, “Менталитетимизга ёт иллатлар ва ғояларга қарши кураш ҳамда факт-чекнинг (ахборотнинг ҳақи-

газеталари бош муҳаррири Фармон Тошев, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раҳбари Шўҳрат Орипов, Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси раҳбари Манноб Ибодуллаев, ЎзАнинг вилоятдаги муҳбири Ғолиб Ҳасанов, “Овози Самарқанд” газетаси бош муҳаррири Баҳодир Раҳмонов ҳамда таниқли журналистлар Акрам Ҳайдаров, Абдулазиз Йўлдошев, Абдуғошир Йўлдошев каби соҳа намояндалари иштирокида ўтказиб келинаётган семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ва мастер-класслар устоз-шогирд аънарасини давом эттириш билан бирга, талабалар учун ҳақиқий ижод мактаби вазифасини ўтамоқда.

Бундай мулоқотлар ижодкор ёшларнинг соҳага бўлган меҳрини ошириб, уларда касбий масъулият ва журналистикага хос кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Устоз-шогирд аънаваларининг бундай юксак даражада ташкил этилиши талабаларнинг олий ўқув юртининг ўзидаёқ замон талаб қиладиган кадрларга айланишига замин яратаётган.

Бугун Самарқанд давлат чет тиллар институтида таҳсил олаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир ёшнинг кўзида эртанги кунга ишонч, Ватанга муҳаббат туйғусини кўради. Журналистика соҳасига қизиқаётган, дунё тилларида Янги Ўзбекистон овозини янграшишга шайланаётган бу иқтидорли ёшлардан умидимиз жуда катта.

Биз Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этар эканмиз, бу йўлда энг аввало маърифатли, ватанпарвар ва масъулиятли авлодни тарбиялашимиз шарт. Ана шундай салоҳиятли авлоднинг воёга етказишда эса таълим муассасалари, айниқса, журналистика каби ижтимоий фикрни бошқарувчи соҳа вакилларини тайёрлайдиган даргоҳларнинг ўрни беқиёсдир. Институтда яратилаётган илмий-ижодий муҳит, замонавий медиамакон ва халқаро журналистика таълими тизими бу улғу мақсаднинг амалий ифодаси.

Фахр билан айтиш мумкинки, эртанги кун тарихини бугун ёзаётганлар — қўлида қалам, қалбда Ватанга садоқат ва онгида буюк мақсад мужассам бўлган ёшлардир. Улар қанчалик билимли, мустақил фикрли ва маънавий баркамол бўлса, Янги Ўзбекистоннинг эртаси шу қадар нурафшон бўлади. Чунки миллатнинг буюк келажиги, аввало, унинг сўзига, тафаккурига ва ҳақиқатга йиғин қила оладиган фарзандларига таянади.

Баҳодир ХОЛИҚОВ,
Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори,
профессор.



борот урушлари майдонига айланди. Бундай шароитда ўзбек журналистикаси миллий хавфсизлигини таъминлаш ва ахборот хуружларига қарши курашининг олдинги сафида туриши шарт.

Жамиятда саросима ва ишонсизлик уйғотишга қаратилган ҳар қандай ёлғон (фейк) хабарларга қарши профессионал ва тезкор фактларни текшириш (факт-чекнинг) маданиятини шакллантириш журналистларнинг асосий бурчидир. Шу билан бирга, Янги Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлиги ва туристик салоҳиятини халқаро ҳам-жамиятга ҳолис ҳамда таъсирчан тилда етказиш ҳам айнан ОАВ зиммасидаги масъулиятдир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “ОАВ ва журналистлар халқ билан мулоқотнинг энг таъсирчан кўприкларида биридир”. Учинчи Ренессанс пойдеворини мард, адолатли ва ўз касбига садоқатли журналистларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бугунги журналист шунчаки воқеаларни баён этувчи эмас, балки ўз сўзи билан жамиятни ўзгартирадиган, одамларни эзгуликка ва юксалишга сафарбар эта оладиган чинакам

қурини шакллантирувчи, жамият виждонини уйғотувчи ва миллат келажигини йўналтирувчи кучдир.

Ушбу улғувор мақсад йўлида Самарқанд давлат чет тиллар институтида 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб халқаро журналистика йўналиши фаолияти йўлга қўйилиб, мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизимига асос солинган амалий қадамлардан бири бўлди.

Бугунги кунда халқаро журналистика йўналишида жами 93 нафар талаба таҳсил олмақда. Улар шунчаки хабар ёзувчи шахс эмас, балки дипломат, сиёсатшунос, тилшунос ва энг муҳими, миллий ғоя тарғиботчиси бўлишлари лозимлигини жуда яхши билишади. Шу боис ўқув режасига киритилган фанлар рўйхати талабаларда ҳам фундаментал билим, ҳам амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган.

Мазкур йўналиш талабаларига ижтимоий-сиёсий ва тарихий фанлардан “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи”, “Фалсафа”, “Диншунослик”, “Сиёсатшунослик”, “Дипломатия ва халқаро муносабатлар”; касбий ва амалий фанлардан “Журналистика асослари ва та-



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ

Сиз азиз ижодкорларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин билан самимий муборакбод этади!

Қадрли матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари! Сизларнинг машаққатли меҳнатингиз, қалбингиз тўридан отилиб чиқаётган зоялар, теран ва чуқур мазмунга эга бўлган халқчил фикрларингиз жамиятнинг кўзгуси, халқ билан давлат ўртасидаги мустаҳкам кўприк вазифасини ўтайди. Ахборот майдонида фидокорона меҳнат қилиб, ҳақиқатни ёритиши, жамоатчилик фикрини шакллантириши ва аҳолини холис, ҳаққоний маълумотлар билан таъминлаш орқали эл-юртнинг янада фаоллашувига қўшаётган катта ҳиссангиз, жамият ва давлат бирлигини таъминлаш йўлидаги хизматларингиз беқиёсдир.

Бугунги тезкор ахборот асрида, айниқса, жонажон Ватанимиз – Янги Ўзбекистонда сиз, журналистларнинг масъулияти янада ортиб бормоқда. Сизлар ўз касбингизга садоқат билан ёндашиб, долзарб муаммоларни олиб чиқиши, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз ҳаётидаги муҳим воқеаларни кенг жамоатчиликка етказишда муносиб ҳисса қўймоқдасиз.

Азизлар, шу қутлуғ айёмда барчангизга мустаҳкам соғлиқ, ижодий юксаклик, бу йўлда янгидан-янги ютуқлар ва улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Қалбингиздаги эзгулик, қаламингиздаги куч ва ҳақиқатга бўлган садоқат ҳеч қачон сўнмасин!



УМР ИБРАТИ

ХАЛҚПАРВАР МУРАББИЙ

Яхши инсоннинг икки қўли ҳам тўғри бўлиши керак.
Ўзбек халқ мақоли.

Инсон ҳаётида шундай шахслар учрайдики, уларнинг номи тилга олинганда қалбда хурмат ва миннатдорлик туйғуларини уйғонади. Бундай инсонлар ўз меҳнати, фидойилиги ва гузал фаилатлари туйғули бошқаларнинг меҳрини қозонади, ҳаётида ўчмас из қолдиради.

Кексаларимиз: “Яхши инсоннинг қадри унинг амалларида намойён бўлади”, дейишди. Жудаям топиб айтилган гап! Зеро, бундай инсоннинг ҳар бир иши, ҳар бир сўзи ва муомаласи одамларга яхшилик улашишга хизмат қилади. Бундай мўътабар инсон билан бир сафда меҳнат қилиш, елкадош бўлиш, ҳеч бўлмаса, оддий сўхбатидан баҳраманд бўлишнинг ўзи катта бахт ҳисобланади. Чунки бундай эзгу фикрли инсонлар атрофидаги кишиларни ҳам руҳлантиради, ҳам яхшиликка қўллади. Азиз Оппоқович Тўраев ана шундай шариф инсонлар сирасига кириди.



рилан амаллари кўз олдимизда гавдаланади. Унинг ҳар бир сўзида ҳаётий ҳиммат, ҳар бир насихатида эса инсонни қамқилишга чорловчи маъно мўжассам. Шу боис устознинг сўхбатидан баҳраманд бўлган ҳар бир шахс қалбда яхшилик янада буй қўрсатади.

Бу табарруқ одам билан яқиндан танишиш бахти менга буюқ давлат ва жамоат арбоби, халқимиз қалбидан чукчур жой олган Шароф Рашидов ҳақида эзилган “Биз билган ва билмаган ҳазрати инсон” номли китоб туйғули насариб эди. Китобни нашрга тайёрлаш жараёнида масъул муҳаррир сифатида иштирок этиш мен учун катта шараф ва айни пайтда юксак масъулия эди.

Маъруза вазифани сиз қилдингиз адо этишга интилар эканман, устоз билан кечган ҳар бир мулоқот, муҳокама қилинган ҳар бир фикр ва қаламга олинган ҳар бир воқеа замирида улкан ҳаётий тажриба ва чуқур донишмандлик мўжассам эканини англадим. У ҳар бир масалага синчковлик билан ёндашар, ҳар бир воқеага ҳақиқат ва адолат мезони билан баҳо беради эди.

Шу жараёнларда мен нафақат китоб устида ишладим, балки ҳаётнинг ўзига ҳос сабоқларини ҳам олдим. Устознинг фикрлаш тарзи, инсонларга муносабати ва воқеаларга теран назар ташлаш қобилияти менда чуқур таассурот қолдирди. Бу эса, тан олиб айтишим керак, мен учун унутилмас ҳаёт мактабига айланди.

ТАФАККУР КАРВОНБОШИСИ
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, теран ҳаётий тажриба соҳиби, профессор, маънавият ва маърифат филология доктори эгитган фидоий устоз — Азиз Тўраев 1936 йилда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида меҳнаткаш деҳқон оиласида таваллуд топган. Оддий оила муҳитида улғайган бўлса-да, у қалбида илмга чанқоқлик, юртва муҳаббат ва инсонларга хизмат қилиш туйғусини эрта шакллантирди.

Азиз Тўраев бутун меҳнат фаолияти давомида ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик ва миллий қадриятларга хурмат руҳида тарбиялашнинг ўзининг энг муқаддас бурчи деб билди. Унинг кўп

йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида минглаб шогирдлар ҳаёт йўлини топди, юртимиз тараққийига муносиб ҳисса қўшувчи етук кадрлар сифатида қамолга етди.

Тарих фанининг етук намоёнаси сифатида у халқимизнинг бой ўтмиши, миллий мероси ва маънавий қадриятларини чуқур ўрганиб, уларни кенг жамоатчиликка етказишда самарали меҳнат қилди. Илмий изланишлари, маърузалари ва ҳаётий тажрибаси орқали кўплар ёшларда илмга, тарихга ва миллий ўзликни англашга қизиқиш уйғотди.

Азиз Тўраев нафақат талабалар ва шогирдлар учун устоз, балки атрофидагилар учун меҳрибон маслаҳатчи, камтарин сўхбатдош, муҳими, бағрикенг инсон сифатида ҳам катта хурмат қозонган. Устознинг самимийлиги, ҳокимсори, одамийлик каби эзгу фаилатлари кўплар қалбда чуқур из қолдирган.

Бугунги кунда ҳам устоз жамоатчилик ишларида фаол иштирок этиб, республика “Меҳр-мурувват” жамоат фонди раҳбарини сифатида инсонпарварлик ғояларини ҳаётга татбиқ этиш, эҳтиёмжамдаларга кўмак бериш ва ёшларга маънавий мадад кўрсатиш йўлида самарали фаолият юритмоқда.

Қуйида қарийб бир асрга яқин мазмуни умр йўлини босиб ўтаётган, икки фарзанднинг меҳрибон отаси, набираларининг ардоқли бобоси бўлган замондошимизнинг ҳаёт тажрибаси, латиф ва дақиқ фикрлари, шу билан бирга, ибратли мулоҳазалари билан яқиндан танишамиз.

“...Ҳаётинг сабоқлар...”

Мен учун, ҳаёт академияси, бу — мўътабар юртдошларимизнинг мазмуни ва завқли турмуш тарзи, ҳолис ўғитлари ва самимий муносабатларининг умумлашмасидир. Зотан, яхши инсонлар борки, яхшилик ўлмайди, эзгулик абадий яшайди.

Яхшилар ҳаётига ибрат қўзи, ҳолислик назари, сабоқ нигоҳи билан боқмоқ лозим. Ушунда сенга ҳам улардан бир насабга тегса, ажабмас...

Умри яшаб ўтиш баробарида киши ўзини гоҳ доно, гоҳ нодон, гоҳ ўқимши, гоҳ соводини йўқдек ҳис этиб бораркан. Энг асосийси ва мушқили, бу — ўзингни англаш экан...

Ҳаётда ҳеч бир нарсасиз омонликча қўлга киритилмади, киритилмайдми. Бунга шубҳанг бўлса, марҳамат, барча азияту муқаррам инсонлар ҳаётига, буюқ ажодларнинг тарихига назар сол. Шундай экан, оқил

инсонда яшайдан мақсад ўзидан ўчмас из қолдиришдир. Бунга эса, аввало, кишининг ўз-ўзига қаттиқ ишонмоғи, олдида аниқ мақсад қўймоғи, бутун иқтидори ҳамда салоҳиятидан унумли фойдаланмоғи, ва албатта, бу йўлда тинимсиз меҳнат қилмоғи лозим бўлади...

Ҳалоллик ва меҳнатсеварлик нуқсонсиз ишлаш сиридир.

Ёшларга ва зурриётларимга насихатларим:

— Кўлинг очик, тилинг ширин, виждонинг тоза бўлсин.

— Ҳаётинг онгли яшашда, дўст танлашда огоҳ бўл! Зеро, айнан ушбу омишларга эътиборсизлик кишининг умри давомида кўплар адашишларига сабаб бўлади.

— Ёлгонни, гарчи у сенга катта фойда келтирса ҳам, ишлаتما, кам бўлмайсан, кейин пушаймон бўлмайсан.

— Ёшликини имконият, соғлиқни омонат умрни фурсат деб бил. Ушунда улардан оқилонга фойдаланишнинг зарурлигини янада кучлироқ ҳис этасан.

— Яхши инсон, ишончли дўст бўлишга ҳаракат қил, ушундай бўл ва умринг охиригача ушундай бўли қол...

Ён дафтардан:

Ҳар гал онам ҳаётининг сўнгги дампарини эсласам, кўзим жижқа ёшга тўлади. Бечора, муштатилар волидаимиз умрининг охирига дакиқаларигача Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган акам — жиғарбаниннинг номи тақорралай-тақорралай вафот этганлар...

Баъзан, қизиқ, болаларим бунчалик соддадил, бунчалик ишонувчан бўлишмаса, деб ўйланиб қоламан...

Мен қиз набирамни шундай эркалайман: сен мен учун онамсан, қизимсан, набирамсан. Ушунда унинг шаҳло кўзлари янада порлаб кетди...

Ҳа, Азиз Тўраевнинг ҳаёт йўли — фидойилик, маърифатпарварлик ва инсонпарварликнинг ёрқин намунаси. Шу кунларда муҳтарам ва мўътабар устозимиз Азиз Оппоқович Тўраев муборак 90 ёшга қарашли арафасида. Унинг босиб ўтган умр йўли ёш авлод учун ибрат мактаби, устозлик фаолияти эса эзгулик ва маънавиятга хизмат қилишнинг юксак намунаси бўлиб қолади.

Обиддин МАХМУДОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмисси аъзоси.

ТАҲРИРЯТДАН:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 18 июндаги фармонига биноан атоқли олим, жонқуяр устоз Азиз Тўраев мамлакатимизда илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш йўлидаги кўп йиллик фидоий хизматлари, қолаверса, таваллудига 90 йил тўлиши муносабати билан “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирланди. Улкан эътироф, самимий эҳтиром кутлуг бўлсин, устоз!

Аскар ИСМОИЛОВ

А. шахридаги “қадимий” ёдгорлик



Муаллиф ҳақида:
Аскар ИСМОИЛОВ Сирдарё вилоятида туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети битирувчиси.

2023 йилда унинг “Алвидо” номли илк китоби нашр этилган. Ҳозирда “Renessans” телеканалнинг “Ovoz” ахборот дастури учун лавҳалар тайёрлайди. Мақола ва бадиий асарлари республика нашрларида мунтазам чоп этиб келинмоқда.

Шундай қилиб, ҳамма билан хайр-маъзур қилиб, Тошкентга қайтди. Тасвирга туширилган лавҳа шу куннинг эртасигаёқ эфирга кетди. Ҳамма хурсанд. Кейинроқ газетадан ҳам келишиди. Яхшигина резонанс берди, шекилли, оламизнинг оғзи кўлдоғда бўлиб юрди. Орадан кўп ўтмай, оламиз кўнгирак қилиб қолди. “Яна ундан ҳам катта буюм топилган, шекилли”, деб кўнгирақ кўтардим.

ВОҚЕИЙ ҲИКОЯ

Ҳар куни шакл-шамойили бир хил, олди-қочди тадбир-у йиғилишларни ёритиш кўпайиб кетди-да ўзи! Очиғи, бу ишлар зерикарли тус ола бошлади. Тезроқ бир зўр, оламшумул воқеани олиб чиқсанг, эсда қолсан-да, ўзинг ҳам роҳатланасан. Қолаверса, ич-ичингдан завқланасан. Оёқни чалиштириб, ишончада шу ҳақда ўй суриб ўтирибман. Наҳотки шу тобда пичоққа илинадиган бирон нарса чиқмаса? Худди ўт-ўллар ҳақида шеър ёзиб юрган шоирга ўхшайман.

Шу пайт телефоним жиринглаб қолди. Хоҳламайгина қарасам, А. шахридан. Улқашунослик музей раҳбари. Ҳа, ушунга ҳам қизиқ бўлмаган аллақандай тадбирга айтиши аниқ. Кўтармадим, шунақа одатим бор, ахир режаларимга тўғри келмайди, мени буюк ишлар кутмакда... Ростдан, музейда нима ҳам бўларди? Мен нима дарддаман-у, бу кишининг қайта-қайта кўнгирак қилишини-чи?! Кўнгирак тинмаганидан ўйлашга, фикрлашга, фантазия қилишга ҳеч қўймади.

— Алло, эшитаман! — кўтардим охири. — Ассалому алайкум, Аскаржон! Яхшимисиз? Мен — опанизман, А. шахридан. Шу десангиз, “Апартак” қишлоғимизда биттаси уйдан кўза топиб олибди, қадимий. Музейга топширди бугун. Шунини чикарсақ бўладими?

— Яхши-ку, унда ёритамиз. Неча йиллик экан? Ёки миллодан аввалгими?

— Ҳа, йўғ-эй, XVIII аср охири — XIX аср бошларига тегишли бўлса керак. Уйма нақшларига назар солдим, шунақадга ўхшашти.

— Унда эртага журналистларни олиб бораман. Ёдгорлик топиб олинган жойга ҳам борамиз, айтиб қўйинг. Ҳозирги яхшилик, илмий жиҳатдан тушунтирасиз. А. шахрининг қадимийлигини айтасиз, унда очилмаган, ҳали ўрганилмаган тарих ётибди, дейсиз. “Апартак” қўроғи аҳолиси ўтроқ бўлган, минг йил илгари ҳам ҳаёт қайнаган, Ипақ йўли карвони шу ерлардан тўда-тўда бўлиб ўтган, дейсиз...

— Бўлди. Китобларни варақлаб, яна ҳам ўрганиб қўяман. Ростдан ҳам шундай бўлиши керак.

— Аскаржон, XIV-XV аср эмас, сал мантиқа тўғри келадиган қилиб, “XVII аср” дейман унда.

— Ҳа, қаранг...
— Тонг отди.

Эрталабдан телевидение ходимлари билан келишиб, А. шахрига йўл олдим. Йўлда журналистларга А. шахри тарихи ҳақида билганимча гапириб кетдим. Шаҳарга қираверишда опанинг рақамини тердим. Манзилни тушунтирдилар.

— Музейга, чапга хайданг, — дедим хайдовчига.

А. шахридаги Тарих музейига келдик. Опа тўйга кетаётган келиндек ясаниб олибди (телевизорда чиқмаган деган-да).

— Аскаржон, анло, қиринг, ноеб кўзани кўришингиз мумкин.

— Синганми?

— Топиб олган бола ерни қазиб, ёғи ошхона курмоқчи бўлган. Кетмони қаттиқ нарсага текканмиш. Олиб қараса — кўза. Иккиланмасдан олиб келди.



— Кўйсангиз-чи, опа, бу бола ичидан ёмба, тангалар бўлса керак деб синдириган.

— Шу хаёлимга келмабди-я! Бўлиши мумкин.

— Сиз бўлганингизда ҳам шундай қилардингиз...
— Уртада қисқа кулги кўтарилиб. Кўзани қўлимга олиб, режа туза бошладим. Унинг уйига борамиз. Демак, кўза топан дардсари қарамон қиламиз. Кейин музей раҳбаридан шу жойнинг ўзида интервьое оламиз. Музей фондида яхши ва ишонарли чиқади.

— Аскаржон, XVI-XVII аср дея қолайлик, — деди опа.

— XIV-XV аср денг, ҳеч нарса қилмайди, — дедим кўзаннинг довуғини кўтариш учун.

— Йўғ-а, Шайбонийхон даврига тушиб кетасиз-ку. Ҳафта ҳақида гап кетмаепти, бу бир аср — юз йил дегани.

— Сиз мутахассис сифатида тахминингизни айтасиз, иботингизни эмас. Тарих шунақа: асосан,

— Раҳмат, Аскаржон! Кўтарилиб кетсам-а? Бир зум ичидан опа турли хаёллар оғушида қолди.

— Қани, қаҳрамонимизнинг уйига борамиз, кетдик!

— Деб ҳаммани машинага қорладим. Ижодий гуруҳ машинага бирин-кетин чиқа бошлади.

— Қани, ўғлим, чойга қаранг. Тошкентлар тинчми?

— Деб ҳаммани машинага қорладим. Ижодий гуруҳ машинага бирин-кетин чиқа бошлади.

— Деб ҳаммани машинага қорладим. Ижодий гуруҳ машинага бирин-кетин чиқа бошлади.

— Деб ҳаммани машинага қорладим. Ижодий гуруҳ машинага бирин-кетин чиқа бошлади.

— Деб ҳаммани машинага қорладим. Ижодий гуруҳ машинага бирин-кетин чиқа бошлади.

— Деб ҳаммани машинага қорладим. Ижодий гуруҳ машинага бирин-кетин чиқа бошлади.

ИККИ УМР ОРАСИ



ёки Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил ЁҚУБОВ ёди

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Мен учун йиғласин,

мен йиғлаб бўлдим...
МИРТЕМИР

1.

Одил Ёқубовнинг вафотини эшитиб, анча пайтгача ўзимга келолмадим. Раҳматли жуда яхши, самимий ва меҳрибон одам эдилар...

2004 йилнинг эрта баҳорида, хорижий эллар сари кетишдан олдин таниқли журналист Карим Бахриев (нетонки, бугун у ҳам орамизда йўқ. Аллоҳ раҳмат қилсин) билан бир дона арман коньягини олиб, уйларига борган эдик.

Одил ака анвойи гулларга бурканган ҳовлиларида шоир ва адиб Рамз Бобожон билан суҳбатлашиб ўтирган эканлар.

У кишининг ўғиллари Искандар билан биз дўст эдик. У халқ ҳўжалиги институти (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети)да талабаларга дарс берарди.

Одил ака бизни кўриб: "Ана, Искандарнинг дўстлари ҳам келишди", деб саломимизга алик олдилар-да, суҳбатларини давом эттиравердилар. У киши бизни одатдагидай Искандарнинг олдига келишди деб ўйладилар, шекилли...

2.

Лекин биз Каримжон билан тўппа-тўғри уларнинг олдига бориб, коньякни стол устига қўйганимиздан сўнг, юзлари ёришиб кетиб: "Э-э, булар бизнинг ҳам дўстларимиз экан-ку!" деб қувонч билан кутиб олган эдилар.

Уша куни биз анча маҳалгача суҳбатлашиб ўтирдик.

Искандар университетдан ҳали қайтмаган эди, шекилли, биз унинг ҳам келишини кутиб, ўтириб қолган эдик.

Ушанда Одил ака биринчи мартаба Москвадаги СССР Халқ депутатларининг 1-съезди бўлиб ўтган кунлардаги мен билан боғлиқ баъзи ҳодисаларни хотирлаб, илиқ фикр билдирганларини ҳикоя қилиб бергандилар.

"Ушанда мен Сизнинг отангиз ҳақида ҳам у кишига (Ислом Каримовга) гапириб бердим, — дегандилар Одил ака. — Қашқадарёда ишлаганимда мен ҳам отаси ҳақида кўп яхши гаплар эшитганман. Исматни Қарши пединститутда партияга қабул қилишмай, ноҳақ қийнашганида, отаси Москвага — КПСС Марказий Комитетига бориб, ўглининг ишини ижобий ҳал қилиб келганини эшитиб, Улуғ Ватан уруши иштирокчиси бўлган бундай адолатпарвар ва курашчан кекса коммунистга қойил қолганини айтиб: "Нега шундай одамнинг ўғли Тошкентда ҳануз ўз ўрнини топа олмади?" деб сўраган эканлар Ислом ака.

Шу суҳбатдан сўнг Одил ака ўзининг ўринбосари, ёзувчи Мамадали Маҳмудовга: "Исмагга айтиб қўйинг, кўп қуноаввермасин", яқинда ҳамма ишлари яхши бўлиб кетади", — деб қувониб гапирганларини Мамадали ака менга айтган эди.

Лекин менинг кутилмаганда ҳукумат одамлари қаторига қўшилиб, амалдор бўлишимга асос ва пойдевор бўлган сиёсатчи арбоб Ислом Каримов билан бетакрор ёзувчи Одил Ёқубов ўртасидаги бу самимий суҳбат тафсилотларини мен ўша кунги ташриф асносида илк мартаба батафсил билиб олган эдим...

3.

...Одил Ёқубов Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир бўлиб ишлаб юрган кезларида мен Ўз-

бекистон нашриётида курьер (нашриёт билан босмаҳона ўртасида қўлёмаларни ташувчи югурдак) бўлиб хизмат қилардим.

Ишдан бўш вақт ё тушлик пайтларида Навоий кўчасининг 30-биносида жойлашган нашриётлар уйининг тўртинчи қаватида биз ёш ишчи ва хизматчилар Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Иброҳим Ғафуров, Машраб Бобоев ва Низом Комиловларнинг ўзаро шахмат ўйини мусобақаларини ажиб бир ҳавас ва ҳайрат билан кўп бор кузатганмиз.

Кейин йиллар ўтиб, Одил ака Асқад Мухторнинг ўрнига "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири бўлган кезларда у киши билан бевосита учрашиб, суҳбатлашиб бахтига муссар бўлдим.

Унга қадар биз Одил акага яқинлашиб ё суҳбатлашибга журъат этолмасдик. У киши биз ёшлар учун етиб бўлмас орзу, илоҳий ва кўл етмас бир ёзувчи эди...

4.

Балоғат йилларида, талабаликнинг олтин давларида севига зор хаёлларимизни остин-устун қилиб юборган "Муқаддас", "Тилла узук", "Биллур қандиллар" каби дилбар асарларни ўқиб, муҳаббатнинг бепоён кенгликларидан шавқ ва завқ билан парвоз этарканмиз, ишқ ва вафо мавзусини ҳали ҳеч ким ўзбек адабиётида Абдулла Қодирийдан кейин Одил Ёқубовчалик теран ва покиза, латиф бир ҳолда таъриф ва тавсиф этиб бера олмаган деб қатъий ишонардик.

Мана, неча ўн йилларки, бизнинг қалбимизда Одил Ёқубовнинг дурдона асарлари боис меҳмон бўлган бу ишонч ва бу латиф туйғу ҳануз ўлган эмас...

5.

1984 йил Россиянинг Ростов-Дон шаҳрида ҳарбий хизматни ўтаб бўлганимдан сўнг, йўл-йўлакай Михаил Шолоховнинг юрти — Вешенская станицасида меҳмон бўлиб, Ўзбекистонга қайтдим.

Сафар хотиралари асосида буюк ёзувчи билан Сталин муносабатлари хусусида "Сиёсатчи Сталин ва санъаткор Шолохов" номли бир нарсани қоралаб, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасига бордим.

Одил ака ўшанда газета бош муҳаррири эди. Ёзганларимни ўша заҳотиёқ ўқиб кўриб: "Бу мақоланинг манбаи борми сизда?" деб сўради.

Ростов шаҳридан сотиб олган Константин Приманинг "Сталин ва Шолохов" деган суратларга тўла ҳужжатли китобини қўлларига тутқаздим.

Эртаси кунийёқ Одил ака сафар хотираларимни "Шолохов Ватанида" сарлавҳаси остида газетادا эълон қилдилар...

Кейин маълум бўлишича, "Ўзлит" деган идоранинг раҳбари Эркин Комилов деган киши Одил ака билан Сталин масаласида анча тортишиб, Константин Приманинг китобидagi ҳужжатларни кўрганидан кейингина мақолани эълон қилишга изн берган экан. Ҳа, у пайтлар цензура деган ташкилот бор эди ва унинг рухсатисиз газета-журналлар чоп этилмас эди.

Бу ҳақда Одил ака ўша Каримжон билан уйларига борганимизда: "Бир гап кеп қолди-да, Исмагбой", деб ҳикоя қилиб берган эди...

6.

Талабалик йилларимизда Тошкентда биз билан бирга ўқийдиган олтириқлик Алишер Ибодинов деган йигитнинг "Денгизчи" номли илк ҳикояси Одил аканинг "оқ йўл"и билан "Гулистон" журналида эълон қилинганда биз Алишерга жуда ҳавас қилган эдик.

Кейинчалик бу бахт навоийлик Ғаффор

Ҳотамов, жиззахлик Абулқосим Мамарасуловларига насиб этди, холос.

Одил ака бу ёш ижодкорларни имкон қадар авайлаб-асради, ҳаётда ҳам, ижодда ҳам қўллаб-қувватлаб келди.

Бугун уларнинг учалови ҳам юртимизнинг таниқли ва салоҳиятли ёзувчилари бўлиб етишдилар.

Лекин бизга Одил акадан оқ йўл олиш шафари насиб этмади.

7.

Одил ака билан, асосан, Москвада ўқиган пайтларимда хийла яқинлашиб, қадрдон бўлиб қолган эдик.

Ўзбек ёзувчилари Москванинг сўлим ва баҳаво Переделкино, Малеевка, Барвиха каби собиқ иттифоқ Ёзувчилар уюшмасига қарашли дам олиш масканларида ҳордиқ чиқаришни ёқтиришарди.

Жумладан, Одил ака ҳам. Собит Мадалиев ўша пайтларда СССР Ёзувчилар уюшмасида ўзбек ёзувчиларининг вакили сифатида хизмат қиларди.

Улар Одил ака билан менинг Шверник кўчасида жойлашган ётоқхонамга тез-тез меҳмон бўлиб келиб туришарди.

8.

Орадан йиллар ўтиб, Москва давлат университетининг журналистика факультетини тугатиб, Тошкентга қайтдим.

Шахрисабз ва Қаршидаги мулозим бўлиш йўлидаги уринишларимдан сўнг яна Тошкентга — журналистикага қайтарканман, бу ерда яна Одил аканинг меҳри ва қўлловидан баҳраманд бўлган эдим.

1989 йилнинг май ойида Москвада ўтган СССР Халқ депутатларининг 1-съезидига ҳам шахсан Одил Ёқубовнинг тавсияси ва "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг йўлланмаси билан сафарбар этилган эдим.

9.

Ўзбекистондаги "Ҳаёт ва иқтисод" журналида бош муҳаррир бўлиб юрган масрур ва шуқуҳли кунларимда ҳам Одил аканинг сўйлөвидан кўп бор баҳраманд бўлганман.

Мен ўша вақтлар ҳукуматга анча яқин бўлсам-да, Абдулла Орипов билан муносабатларимиз ўшанда бироз совиб қолган бўлган эди.

1992 йилнинг Наврўз кунларида Абдулла аканинг 50 йиллик юбилеи Алишер Навоий номли опера ва балет театрида нишонланган эди.

Кечани Одил Ёқубов бошқариб борганди. Ушанда мени нима жин урди-ю, Абдулла ака билан муносабатим яхши бўлмас-да, уни табриклашга жазм қилдим.

Сўзга чиқиши мумкин бўлган ва юбилейга узоқ-яқиндан келган меҳмонлар рўйхатини Абдулла аканинг назаридан аллақачон ўтказиб олишган эди.

Менинг бу рўйхатларда, табиийки, номим йўқ эди.

Лекин мен ўшимча негадир "сўзлашим ва шеър ўқишим" шарт деган хулосага келиб, Одил акага икки энлик хат ёзиб жўнатдим.

Билмадим, бир пайтлар Москвада инфаркт бўлганида қирқ кун ҳолидан хабар олиб турган шоир юбилеи менинг табригимсиз ўтиши алам қилдими, ҳар қалай, ўшанда "мен ҳам гапиришим шарт" деган ўжар бир хулосага келган эдим...

Во ажаб, хатни олган заҳоти Одил ака: "Эндиги сўз навбати Абдуллажоннинг шогири, таниқли журналист Исмаг Хушевга" деб эълон қилиб юбордилар. Ҳолбуки, ҳали сўз навбатини кутиб турган таниқли ва аллома ёзувчилар талайгина эди. Ажабмаски, Одил ака ҳам ўшанда Моск-

вадаги айна воқеани эслаб, менга сўз бериб юборган бўлишлари ҳам мумкин. Чунки ўша шоир инфаркт бўлган жараён — Москвадаги Ёзувчилар съезидида у киши ҳам иштирок этган эдилар...

Зал бир лаҳза сукутга чўмди. Абдулла ака кутилмаганда типирчилаб қолди.

Одил ака эса ҳеч нарса бўлмагандек, менга табассум билан боқиб: "Бемалол, гапираверинг", деб далда бердилар.

Мен Абдулла аканинг бетакрор истеъдод соҳиби эканини айтиб, бир пайтлар ўзим яхши кўрган қизга бағишлаб ёзган ғазалларини ўқиб бердим...

Менинг "қовун туширмай", туппа-тузук гапирганимни кўрган шоир "хайрият" деб, енгил тин олади.

Лекин, барибир, эртаси куни кечки маҳал Ўзбекистон телевидениесидан эълон қилинган юбилей кечасидаги менинг чиқишим Абдулла аканинг талаби билан кесиб ташланган эди...

10.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси вазифасидан Одил аканинг ноҳақ олинишидек нохуш воқеа ҳам ҳануз хотирамда сақланиб қолган.

Биолог олим Жаҳонгир Ҳамидов ўша вақтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мафкура бўйича котиби эди.

У киши бир куни Одил аканинг Дархондаги "дом"ига бориб, меҳмон бўлади. Айтишларича, тўрт соат давом этган "музокара"дан сўнг Одил ака "ўз хоҳишига кўра" ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзиб беради...

Биз тўрт соат давомида Одил аканинг ўғиллари Искандар иккимиз Дархондаги пивохонада Марказқўм котиби билан улуғ ёзувчининг мулоқоти нима билан тургаркан деб юрак ютиб кутган эдик...

Мен ўшанда Девонга бориб, худди ўз отамни ноҳақ ишдан олишганидек куйиниб, эндигина Президентнинг кадрлар бўйича Давлат маслаҳатчиси этиб тайинланган Мавлон Умрзоқовдан: "Нега бунча бўлди, ахир", деб кўп сўрадим.

Шунда Мавлон ака: "Шунақа бўлиши керак, Исмагжон, мен бу ерда ҳеч нарса қилолмайман", деб жавоб берган эдилар...

11.

Биз мустақиллик йилларида "Ўзбекистон Қаҳрамони" бўлган Саид Аҳмад, Озод Шарафидинов, Тўлепберген Қаипбергов, Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби шоир ва ёзувчиларни яхши биламиз.

Лекин Одил ака ҳам ўз ижоди билан, ҳам ҳалол ва покиза ҳаёти билан, назаримда, баланд эди.

Ўзбек адабиётида Абдулла Қодирийдан кейин пешонамизга битган ёрқин юлдуз Одил Ёқубов эди.

Лекин негадир у кишига "Қаҳрамон" бўлиш насиб этмади...

Ҳолбуки, у киши бундай нарсаларга хоҳиш ҳам билдирган эмас. Парво ҳам қилмаган.

12.

Бугун туни билан ўтириб, Одил акани эслаб, шу хотираларни ёзар эканман, ҳаётда менга шунча яхшилик қилган, сўяб, қўллаб-қувватлаган инсонга бир пиёла чай қуйиб беролмаганимдан, кўнглини ололмаганимдан ўкинч туйдим, пуншаймон қилдим.

Мен хоржий юртларга кетарканман,

бироз ўтиб, аламларни унутиб қайтиб келаман, ҳали яна амалдор бўлиб, Одил акага яхшилик қилишга улгураман деб ўйлаган эдим.

Чунки кейинги йилларда Одил аканинг ҳукуматдаги баъзи амалдорлардан бир қадар кўнгли қолганини билардим...

Ҳатто у кишининг саксон йиллик ошида ҳам мулозимлардан ҳеч ким келмаганини эшитиб, жуда қайғургандим...

13.

...Мен Одил аканинг "Диёнат"ини ўқиб, профессор Нормурод Шомуродов образида ҳаётда кўп ноҳақликларни бошидан кечирган ўз отамни кўрган ва охир-оқибат Одил акани ҳам худди отамдек яхши кўриб қолган эдим.

Бир кун келиб, Иккинчи жаҳон уруши ва ўқитувчилик касби сочларини жуда эрта оқартирган жафокаш отам вафот этдилар.

Дунё кўзларимга тор бўлди! Тоғлар қулаб тушди елкамга! Бу номард ҳаётнинг шунақа бешафқат синовлари ҳам бор экан!

Одил аканинг "Диёнат"идаги профессор Шомуродов вафот этганида ҳам унинг жияни Отақўзи билан баб-баробар куйган ва қайғурган эдим...

Ҳолбуки, бу воқеалар китоб, бадий асар эканини билсам-да, отамни кўмсаб, соғиниб, ич-ичимдан қаттиқ изтироб чеккан ва ўкинган эдим...

14.

Бугун яраларим яна янгиланди. Бугун энди Одил акадан ҳам айрилдим.

Энди бу ёруғ дунёда ишонганим ҳам, илинганим ҳам қолмади ҳисоб...

Шунда беихтиёр шоир дўстим Сирожиддин Саййиднинг куйидаги шеърлари ёдимга тушди:

*Умр — бизга берилган сарҳад,
Чегарачи — ўлим қўймайди.
Умр тўхтар. Вақт — бешафқат,
Умр тўхтар. Вақт ўлмайди.*

*Тирикликнинг қирмай сўзига,
Чегарага элтар қадамлар.
Кетмоқдамиз ернинг юзидан,
Яшамоққа шошинг, одамлар!*

*Ҳаёт, сен ҳам англаб етасан,
Ҳеч иш келмас у пайт қўлинадан.
Сен бизларни ташлаб кетасан,
Поёни йўқ, мангу йўлинадан.*

*Умрин яшар бардош ва сабот,
Тарқ этаман қисматларимни.
Сен бир куни кўрмайсан, ҳаёт,
Сирожиддин, Исмагларингни...*

Лекин бугун тонгда ногаҳон нафақат Одил ака, балки шоир дўстим ёзганидек, умр ҳам ўтиб кетганини англаб етдим...

15.

Жойингиз жаннатдан бўлсин, Одил ака!

Амалидан олинганига аччиқ қилиб, иродасизлиги боис хорижий эллар сари юзланган ва охир-оқибат сиздек диёнатли, буюк бир инсонни ҳатто сўнги манзил томон кузатишга ҳам ярамаган шогирдингизни кечиринг...

**Ўсмаг ХУШЕВ,
"Дунё ўзбеклари" интернет нашри
бош муҳаррири.**

*Торонто шаҳри, Канада.
2009 йил 23 декабрь.*

Андижон давлат тиббиёт институтини жамоаси



юртимиздаги барча журналистлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва матбаа соҳасида меҳнат қилаётган заҳматқаш кишилар, соҳа фахрийлари — устоз ижодкорларни

**27 ИЮНЬ — МАТБУОТ
ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИ
ХОДИМЛАРИ КУНИ**

билан самимий муборакбод этади!

Ватан тақдири ва халқ дардини ўз қалбидан ўтказадиган, ҳамиша ўзгалар ташвиши, бошқаларнинг ютуқ ва муаммоларини ҳам ўзиники деб биладиган сиз фидойи инсонларнинг меҳнати юртимизда юксак қадрланади.
Зеро, Янги Ўзбекистонда ва дунёда кечаётган воқеа-ҳодисаларни тезкорлик билан ёритиб келаётган сиз азизларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат тилаймиз.

27-IYUN

**МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ
МУБОРАК БО'LSIN!**



Сайёра ТҲҲИЕВА

Ҳар биримиз битта Ўзбекистонмиз!

ХАЛҚИМ

Халқим, номинг баланд, шарафинг баланд,
Ҳамиша таллиндинг нурга, зиёга.
Оламга татирлик ҳалол ризқ билан —
Ҳалол фарзандларни бердинг дунёга.

Халқим, ниятлари улғу донишим,
Ниятга муносиб — икболнинг бекам.
Ўзбек деганлари катта халқ эрур,
Шул сабаб улғудир фарзандлари ҳам.

Бир гул боғ бўлмагай, шундай мақол бор —
Темур шиддатидан куч олган жонмиз.
Юрагида Ватанни кўтариб юрган —
Ҳар биримиз битта Ўзбекистонмиз!

ОШИҚОНА

Дардинг билан куйиб юрсам,
Куйиб юрсам, суйиб юрсам,
Рашқдан безиб, туйиб юрсам,
Фақат сени кўриб турсам.

Маломатдан чиқмай бошим,
Ҳижрон бўлса ичган ошим,
Ушандам эҳтиёжим —
Фақат сени кўриб турсам.

Исминг айтиб урса юрак,
Борлигиндан бериб дарак,
Менам тирикдирман, демак,
Фақат сени кўриб турсам.

Муҳаббат ўт, муҳаббат оҳ,
Сендами ё менда гуноҳ,
Эй бебаҳо, кийикнигоҳ,
Фақат сени кўриб турсам.

Хавотирми, хаёл бўлиб,
Гумону эҳтимол бўлиб,
Кейин сирли савол бўлиб,
Фақат сени кўриб турсам.

Сезмай қолса дўсту ганим,
Ёлғиз сени излаганим,
Умрим бўйи тилаганим,
Фақат сени кўриб турсам.

Кўзларингни соғинаман,
Чўғсиз, оловсиз ёнаман,
Қабримдаям уйғонаман,
Фақат сени кўриб турсам.

Изинга термилиб юрсам,
Ўзиндан ўргилиб юрсам,
Сенга банди бўлиб юрсам,
Фақат сени кўриб турсам,
Кўриб турсам,
Кўриб турсам,
Кўриб турсам...

ЭЙ, БЕБАҲО...

Эй, бебаҳо, бағрикенг инсон,
Сизни десам, яшнайдим жаҳон,
Йўлингизга кўзим нигорон,
Сизни жуда яхши кўраман.

Офтоб нима, рафторингизми?
Абри найсон баҳорингизми,
Ё рашик бекарорингизми?
Сизни ёмон яхши кўраман.

Ёлғон дунё ёлғонларидан,
Тўйиб куз-у ҳазонларидан,
Кунгли бузуқ ёмонларидан,
Сизни ёмон яхши кўраман.

Эллик, олтмиш, саксонга бориб,
Атиргулнинг гунчасин ёриб,
Шеър айтаман сизга ёлвориб,
Сизни ёмон яхши кўраман.

Олов рангли баётим ҳаққи,
Ишқ аталган саводим ҳаққи,
Умрим ҳаққи, ҳаётим ҳаққи,
Сизни ёмон яхши кўраман.

Кўзи билан дардим олганим,
Юрагимга кўприк солганим,
Билиб-билмай севиб қолганим,
Сизни ёмон яхши кўраман.

БИРИНЧИ МУҲАБАТИМ

Гулханмиди, оловмиди, чақмоқмиди,
Мақсадинг не, ич-ичимни ёқмоқмиди?
Аҳволимни кўриб, маънос оқмоқмиди,
Не сир бордир кўзларингнинг қорасида?

Мен бир гулман, ифорлари сенга етмас,
Шафтолиранг баҳорлари сенга етмас,
Икки дунё муножотим энди битмас,
Суратим бор юрагингнинг ярасида.

Муҳаббатман тирноғимдан сочимгача,
Садоқатман сенга то минг ёшимгача,
Исминг ёзиб куйиб қабр тошимгача —
Шеър айтаман сўзларингнинг сарасида.

Қўлим чўзсам, осмонлар ҳам келдилар паст,
Мендан бахтли оёқларинг остида хас.
Эй бебаҳо, эй бевафо, соҳир нафас —
Сендай йигит бормикан ер кўррасида?

Ҳам суйганим, ҳам куйганим, жону дилим,
Жону дилим десам, бағрим тилим-тилим,

Бир-бирига етолмаган айт, севгилим,
Биздайларам бормикан эл орасида?

ҚОРАКЎЗ

Осмон узок, ер қаттиқ, қандоқ қилай, қоракўз,
Мен айтмоқчи шеър қаттиқ, қандоқ қилай,
қоракўз?

Пешонанга сизмаган яримта дил аёлман,
Кетай десам, гўр қаттиқ, қандоқ қилай, қоракўз?

Сен бир олис юлдузсан, етолмадим, қоракўз,
Кўнгил узиб ва лекин кетолмадим, қоракўз.
Иккимизга армондир сехр тўла чимилдиқ,
Чимилдиқнинг сехрини ютолмадик, қоракўз.

Кўздан оқар бўлдилар жолаларим, қоракўз,
Бўғзимда қотиб қолди нолаларим, қоракўз.
Сен бировнинг ёрисан, сен бировнинг паноҳи,
Омон бўлсин бахтинга болаларинг, қоракўз.

ЎТИНЧ

Баҳорлар шамолин асрайди,
Юлдузлар хилолин асрайди,
Булоқлар зилолин асрайди,
Ўзингни мен учун асрагин.

Тириклик энг буюк иноят,
Севгисиз яшамоқ жиноят,
Азизим, бу дунё омонат,
Ўзингни мен учун асрагин.

Кипригинг остидан топай жон,
Қонингда кўпирсин ишқ, исён,
Ўттизга кирмаган навқирон,
Ўзингни мен учун асрагин.



Муаллиф ҳақида:
Сайёра ТҲҲИЕВА Жиззах вилояти Жиззах туманида туғилган.
"Вафо бўлиб уйғонаман", "Мен сени қизғонаман", "Кўзларингни соғинаман", "Элим", "Санамгина", "Суянганим сўз бўлди", "Шарофнома" номли шеърый, "Буюк инсон бошлаган йўл", "Мунаввар замин", "Ифтихор", "Водийларни яёв кезганда" номли насрий тўпламлари чоп этилган.
Шеърлари рус, инглиз, турк, озарбайжон, қозок, тожик, қирғиз тилларига таржима қилинган. Севимли хонандаларимиз томонидан қуйланаётган "Санамгина", "Элим", "Ўзбекистон", "Олажоним, дардлашгани келинг", "Жавоҳирим", "Муҳаббат" сингари 200 га яқин кўшиқлари миллий кўшиқчилигимиз олтин фондидан жой олган.
1999 йилда "Шуҳрат" медали, 2022 йилда "Дўстлик" ордени билан тақдирланган.
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, фалсафа фанлари доктори, профессор.

Рўзгорим бут бўлсин десанг гар,
Барака, кут бўлсин десанг гар,
Қиблам шу юрт бўлсин десанг гар,
Ўзингни мен учун асрагин.

Шеърларим денгиздан бир қатра,
Ҳар кун эсга ол минг қарра,
Беажал ўлмасин Сайёра,
Ўзингни мен учун асрагин.

Ибодат РАЖАБОВА

Чироқларнинг тилидай куйдим

ЭРТА СИЗНИ КЎРИШГА БОРГУМ...

Эрта Сизни кўришга боргум,
Адоғимга кияман шамол.
Рўмолимни дазмоллаб берар
Майин сочи билан мажнунтол.

Камзулимга тугма қадайдим —
Тўмарисни кўрган ниначи.
Қирқ туяга миниб чиқади —
Абдуллахон ҳаменим ичи!

Ҳавзи бобо ҳомуза тортар,
Атрофиди кўзалар қатор.
Боларилар Боғи Ойимдан
Лабларига суртиб чиқар бол.

Мўлиёндан шарбат оламан.
Зарафшондан бир дунё ҳилол.
Оқ жўхори бошларин ювиб,
Ширин-ширин суради хаёл.

Чирмандалар гир-гир айланар,
Боришимни қилиб овоза.
Калитларин менга ишонар,
Бахорода ўн бир дарвоза.

Моҳонқўлдан бугун қайтаман,
Ойбалиқлар сутини ичиб
Ва Кубродан дуо оламан
Ҳассасига бошимни куйиб.

Эрта Сизни кўришга боргум...

Онам боғдай гўзал қариди,
Сочлар оппоқ, кўйлақлар узун.
Дуолардан саҳар буларди —
Бобом, Румий, Мажнун кўрган тун.

Маҳсисига гулоб суртарди,
Тўйпаловдан қошларига ёғ.
Кўк сомсага кўнгли кетарди,
Хут-хут келиб, яшиллангач боғ.

Дарчаларни очиб кўярди,
Хом туш кўрса, чиқарарди ис.
Кўк чойига қаймоқ буларди,
Гулмихларда қуриган ялпиз.

Қишлоқ рўзгор — ҳандалак — қоқ,
Гужум япроқ бўлганда совун.
Кўшнига ҳам чиқиб борарди,
Сандалида исинган қовун.

Нима топса, қирққа буларди,
Шукронасин Худоба йўллаб,
Қачон борсам тўйчопон тикиб,
Ўтирарди қиблага қараб.

Чироқларнинг тилидай куйдим,
Ёғду мени обдан таратди.
Ҳовучини тўлдириб ёлди,
Нурзаррамдан Сулаймон тахти.

Тоғдан тушди пиллапоялар,
Гулажриқлар кетди тўлишиб.
Хожа Минор эртакка кирди,
Қанотини кушларга кўшиб.

Вақт оларлар додини бердим,
Ҳаққуш кўзин олмади мендан.
Юрагимни тонлар, бўйнига
Емхалтадай илди оқ саман.

Кубро қоши ўсиб чарчамас,
Спитамен ёдлар "Авесто".
Қосим Шайхнинг Кўҳақда қилган
Дуолари қилмайди қазо.

ИБОДАТ...

Капалақлар билан ўйнадим,
Сўнг йиғладим, кўнглим пойида.
Шамшодгуллар расмимни чизди,
Торобийнинг темир ёйида.

Тоштобутни уд қилиб чалдим,
Гирдоблардан тиктирдим салла.
Калтаминор титраб кетди, мен
Азон билан юрган палла.

Афросиёб ёқасин тутди,
Озиб кетди Лайли мушқодони.
Қаламимга листа-мағз бўлди
Хайригуллар ям-яшил қони.

Искандарнинг шохини уздим,
Тоштандрда куйдирсам, тутун
Гужум косов учини тишлаб,
Мени кутди овлоқда минг кун.

Бонобийнинг базмига бордим,
Жар ҳам солдим: "Душманлар гаран!"
Онам тиккан нимчамни кийиб,
Алвастилар билан қилдим жанг.

Ғолиб бўлдим. Ғовларни буз, деб
Кўшқиприқдан кўрдим қошона.
Шом туғларнинг тўйига бориб,
Йўнаб, айтдим широктарона.

Мажнун билан жунун талашдик,
Битта йўлда минг бор адашдик.
Ой ортига бориб ярашдик,
Кўнглим дардин кудуққа айтдим,
Бургу чалиб жангтоҳдан қайтдим.

Зуннун тиши менга йиғади,
Шайх Санъонни кўнгли тиглади.
Дажлани ким жанда михлади,
Кўнглим дардин кудуққа айтдим,
Бургу чалиб жангтоҳдан қайтдим.

Робияни булутга сотдим,
Қизил рангнинг қарзига ботдим.
Минг бир вулқон пойида ётдим,
Кўнглим дардин кудуққа айтдим,
Бургу чалиб жангтоҳдан қайтдим.

Савдом билан бозор тенг эмас,
Тарозийлар, мени қил алас.
Исо, уйғон томчиларда дарз,
Кўнглим дардин кудуққа айтдим,
Бургу чалиб жангтоҳдан қайтдим.

— Она, — дедим, — қишлоқ иму жим...
Энди қайдан топаман, дедим.
Кўзларимдан тўкилди кўнглим,
Кўнглим дардин кудуққа айтдим,
Бургу чалиб жангтоҳдан қайтдим.

Шоир Баҳриддин Садриддиновга

Ҳазорадан йўлимни топдим,
Ревартундан дунё калитин.
Қосим Шайхнинг жойнамозидан
Хом симобдай тин олди кўнглим.

Малик чўлдан совға олдим от,
Бир сакраса, Минор берди тан.
Юрагимда михлаб кўяй, деб
Навоидан қарз олдим расан.

Бой Хатирчи кўрмана берди,
Аҳадхондан Бухоро тахти...
Қизил дўнан пешонасидан
Келиб ўпди, Кармана бахти.

Сармаст тошган Кўҳақ дарёга
Яктагини отди Деггарон.
Нур Атолар булоқларини
Ўзингдай шўҳ қилдинг, Художон.

Нурафшоннинг нурлари серпушт,
Йўлсардоба Худоба яқин.
Шайх Шоди салласин ечиб,
Йигитларнинг боғлади белин.

Миёнқолнинг уруғи — жаннат,
Тотли булоқ — Кавсар қўшиғи.
Зармитаннинг сутлари ёғу,
Қандай қаттиқ бўлди қатиғи.

Баҳриддин ака!
Юзга қиринг, Ой ортидан
Дуо қилар Нурсайд Баҳром.
"Пахтачи"нинг момигин солиб,
Ўзим Сизга тикаман чопон.

ЗОМИН ТОҒЛАРИДА

Хонқизининг нимчаси қалин,
Сутбалиқнинг келар ҳаваси.
Ойга ёзган мактубимни тонг
Олиб кетди турналар саси.

Шаршаралар бунча шовқинчи...
Тошлоқ сойлар қолишмас ундан.
Дўланагул мени ўғирлаб
Кетмасин, деб ҳайқидим тундан.

Теракларни пойлоқчи кўйдим
Зубтурумлар чиқарди кокил.
"Кўқдан сенга мактуб келди", деб
Тўрт томонни уйғотди булбул.

Дуобада қисилиб қолдим,
Зира териб бироз шовдим-да...
Қаймоқларин юзимга суртиб,
Эчки сути келди бошимга.

Пуф-пуф десам, қоқиғул шишди,
Қушқунмасда сизмади жоним.
Чолиб чиқсам, тоғ сўқмоқларнинг
Музларида куйди товоним.

МЕН...

Қадим саҳролардан ой миниб ўтдим,
Қадим куббаларда ўтирдим чилла.
Девор, дизаларнинг пойида чўқсам,
Маб'уд момотуллар пиширди тилла.

Ўчоқ, ертандирлар олов сўради,
Қари тегирмонлар қаноти — қайроқ,
Махфий йўллар кўнглим сўрашга кирсам,
Мироншоҳ қўлимга тутқазди байроқ.

Зарпат чопонининг зарлари уйғоқ,
Гулли сарбандимдан туғилар чаман.
Оқсоқ Бухорхудот уюрин боқиб,
Қаққуш миниб олиб, ҳамон йўлдаман.

Мосаф дарёмининг тўйига бордим,
Қирқ қалъа қирқ қўлоқ уйнади: "Ё, хў!..."
Қайтишда энгимга совға солди руд,
Тонг очиб қарасам, қирқта туя бу...

Бухорий ҳовлимда деворим ўрқач,
Бухорий шифтимда қалдирғоч қатор.
Сиз мени: "Шамолни ҳайдовчи туғ" деманг,
Феълмининг фаслида қайнар хумча бор.

Тўғон бир кун тўзадир,
Сархуш дунё бўзадир.
Заминнинг-ку оғзи бор,
Кўёш ҳар кун рўзадир.

Чумолини хас емас,
Пирҳасса бу — кам емас...
Дунё ризқдан тўлса ҳам,
Дарахт оч қолдим демас.

Ҳо дарвешо, ҳо дарвеш,
Қаноатда ишинг беш!
Бир кун менинг суратим
Юрагинга урса ниш —

Тасбеҳинг — олтин қовуш,
Икки қўлинг — она қуш.
Ҳассаннинг фарёидан
Уйғонади Алпомиш.



Муаллиф ҳақида:
Ибодат РАЖАБОВА Бухоро вилояти, Пешку туманида туғилган.
Самарқанд давлат университетининг филология ҳамда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетларини тамомлаган.
Турли йилларда ижодкорнинг "Осмондаги фаришта", "Қуш киприги", "Бухорнур ёки етти пир", "Бухорода гужум гуллади", "Варазруд гулоби" сингари шеърый ва насрий китоблари чоп этилган.
Ўз услубига эга истеъдодли шоирнинг шеърлари адабиёт ихлосмандларининг назарига тушган.

ХОЖА БАРГИЙ

У тўрт кун дунёга сизди,
Аёлига "пиш" деди, кетдик.
Бугун менинг юким тортоққа
"Шамол шамшод, кўприқлар тетик".

Бозорларнинг нозига миниб,
Дуо қилса осма тарози,
Метинарабт омборларидан
Бўлиб кетди Худоба қози.

Шўҳ булбулга ёқача тикди,
Боларига йиғиб берди бол.
Кишимш гули ҳалвоча бўлмади,
Пичир-пичир қилди мажнунтол.

Қулогини булоққа куйди,
Чирмовиққа ясади эгар.
Анорзорга: "Чорлаб кетдинг", деб,
Зарафшондан сиқиб берди зар.

Аёлига йўрма тўқиди,
Сув мавжидан тиктирди қовуш.
Сарбандидан куёшни ечса,
Уй шифтида ин кўрди Ҳаққуш.

Ой изини кўксидан топди,
Ушлаб кўрди, сохтамас, мумтоз.
Сўнг соясин гулмехроб кўриб,
Бор кўнглида ёзди жойнамоз.

МУТОЛАА

ДУНЁ “ПУЛЬСИ”ГА ҚУЛОҚ ТУТИБ

Истиқлолнинг дастлабки йилларида ёш суверен давлат олдида турган бир-бирдан муҳим, кечиктириб бўлмас вазифаларнинг ҳар бири ўз ечимига ўта масъулият билан ёндашиш, ягона тўғри ечимларни топиш, халқона тил билан айтганда, етти ўлчаб, бир кесишни талаб этар, аммо вақт бунга изн бермасди. Жумладан, ўта тигиз шароитда давлатимизнинг мустақил ташқи сиёсати асосларини яратиш ва йўлга қўйиш, Ўзбекистонни биринчилардан бўлиб тан олган давлатларда элчихона, ваколатхоналар очиш, элчи, консул ва бошқа дипломатия кадрларини тайёрлаш кун тартибига чиққанди.

Мулоқотасиз айтиш мумкинки, бу борада тажриба-сиз эмасдик. Улуғ мутафаккир бобомиз Алишер Навоий шоир, давлат арбоби бўлиш билан бирга, элчи, яраштирувчи, келиштирувчи, бугунги тил билан айтганда, маҳоратли дипломат ҳам эди. Нуриддин Муҳиддинов, Сарвар Азимов, Убайдулла ва Баҳодир Абдураззоқовлар ўз вақтида фавқуллоҳда ва мухтор элчиликка доир катта тажрибага эга бўлишган. Энди эса суверен давлатнинг ички ва ташқи сиёсати асослари, мақсад ва муддаоси, танлаган йўлини дунё давлатлари орасида тарғиб қила оладиган, аниқ чоғда давлатлараро маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишда фаоллик кўрсатишга қодир кадрлар керак эди. Не бахтки, бу муаммоларни ҳал этишда жиддий қийинчиликка дуч келинмади. Узок-узокларда бирин-кетин очилаётган мамлакатимиз элчихоналари, бош консуллик идоралари шижоат билан ишга киришишди. Таниқли журналист, изланувчан, қузатувчан касбдошларимиздан бири Аброр Ғуломов дипломатия соҳасидаги фаолиятини аниқ шу йилларда бошлади.

Меҳнат фаолиятини “Тошкент ҳақиқати” газетасида оддий муҳбирликдан бошлаган Аброр Ғуломов мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида миллий истиқлол меваси бўлмиш “Жаҳон” ахборот агентлигига раҳбарлик қилди. Кейин ўн бир йил давомида Ўзбекистоннинг Истанбулдаги консулхонасини бошқарди. Айтишга осон. Аброрнинг ўзи ёзганидек, у йиллари ёш жамиятимиз энди-энди оёққа туриб, халқаро майдонда маълум тажриба орттираётган, мамлакат ташқи сиёсатини, ўзаро дипломатик алоқаларни йўлга қўйиш борасида тайёр андозанинг ўзи йўқ пайтлар эди.

Аброр шиддат билан ишлади, дипломатия соҳасида тажрибали мутахассислардан бирига айланди, ички туркий давлат ўртасида юзага келган совуққонлик ҳолатини яхшилашга, икки томонлама манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишга ўз ҳиссасини қўшди. Тошкентга қайтган, ўқувчиларга ўзининг дастлабки китоби — “Истанбул дафтари”ни ҳаёда қилди. Ушбу китобда келтирилган кўп маълумотлар китобхонларни олис тарихда содир бўлган буюк муҳораба ҳақиқатларига яқинлаштиради. Ўқувчи сифатида мен “Ўзбек хонлари ва Усмонли султонлари”, “Арго” опе-



рацияси қаҳрамони Рўзи Назар”, “Абдулла Орипов сабоғи”, “Кенжа Соғуний нима дейди?”, “Кўниё. Мавлонога таъзим” бўлимларидан кўп нарса олдим, вафоти олдида Ўзбекистонга келиб, муқаддас қадимжоларда эл-юртига рўшноликлар тилаб тиловат қилган Турғут Ўзални, ватансизликка эллик икки йил яшаб, она юртига қайтган Рўзи Назарни эсладим. Таниқли ватандошимиз Собир Сайхонга бағишланган саҳифаларни соғинч ҳисси билан ўқидим. Ён дафтаримга: “Ватан муҳаббати дилга жо бўлса, олисларда туриб ҳам унга сидқидилдан хизмат қилиш мумкин”, деб ёзиб қўйдим.

Китобда тақдир тақозосига кўра ўзга мамлакатларда қолиб кетган кўпжаб юртдошларнинг тақдири, соғинчи юракни ларзага солувчи митти хикоячалар мисолида очиб берилди. Улар таъсирида китобнинг сўнги саҳифасига етиб келганимизни сезмай қолмас.

Аброр Ғуломов шу билангина кифояланмади. Мана, бир неча йилдирки, ижтимоий тармоқларда тўхтовсиз, тинимсиз дунёда кечаётган энг муҳим ва чигал воқеа-ҳодисаларни ҳолислик, профессионаллик ва ҳозиржавоблик билан шарҳлаб келмоқда. Халқимизда “Чумчўқ сўйса ҳам қассоб сўйсин”, деган мақол бор. Бугун дунё минта-

қаларида кечаётган талотўпли можароларни жуда кўп-лар шарҳламоқда. Телеканаллар бу иш билан эртаю кеч банд десак, мулоҳаза бўлмайди. Аммо бу шарҳларнинг аксарияти маълум бир томоннинг, ўзини ҳамаша ҳақ деб ҳисоблайдиган давлат ёки гуруҳнинг шахсий манфаатларига мослаштирилгани боис, одамни чалғитади. Ким ҳақ, ким ноҳақ, можаро илдизлари қаерда, ечим йўллари борми — бу каби саволлар саволлигича қолиб кетмоқда. Яқин-яқингача телевидениемизда “Бугун оламда нима гап?”, “Дунё воқеалари” каби сиёсий шарҳ кўрсатувлари бўларди, кўпчилик уларни интиқиб томоша қилишарди. Журналистлар орасидан таниқли шарҳловчилар етишиб чиққанди. Бугун аниқ шундай кўрсатувларга эҳтиёж катта, десам, хато қилмаган бўламан. Аброр Ғуломов ва бошқа қатор ҳамкасбларимиз элчилик, консуллик тажрибалари билан шу ишни бошлаб берсалар, аниқ муддао бўлади. Чунки халқаро шарҳ маданияти ёки иқтисодий шарҳ каби журналистиканинг қон томирларидан бири. Шу боис бу йўналиш мамлакатимизнинг кўлаб олийгоҳлар журналистика факультетларида алоҳида фан сифатида ўқитилади. Шундай экан, бу борадаги тажрибалардан самарали фойдаланиш зарур.

Шундай мулоҳазалар кўнглимдан ўтиб турганида Аброр Ғуломовнинг “Истанбул дафтари”, “Эътиқодни афзал билиб”, “ДУНЁ: нималар бўляпти ўзи?”, “Россия — Украина: биродарушлик драмаси” асарларидан сўнг нашрга тайёрлаган янги китоби — “Дунё “пульси”га қулоқ тутиб”нинг кўлэмасини ўқиб чиқдим. Юқорида билдирган истакларим маълум маънода амалга ошаётганидан хурсанд бўлдим. Оддий сўзлашувда “пульс” сўзини “томир” сўзи билан алмаштира бўлади. Хўш, дунё мамлакатлари томирларида бугун нима гап, нима ҳолат? Курраи заминнинг юрак юриши, ҳарорати қай даражада? Қаерда қандай муаммо бор? Тузатиш, янги, эски жароҳатларнинг олдини олиш учун нима қилиш керак? Очиқроқ айтсак, кўпчилик тинч-тотув асри бўлади деб умид қилган янги юз йилликнинг дастлабки чорага адоғида нималар бўляпти ўзи? Дунё қонли можаролар гирдобига ҳеч қачон бугунгидек фарқ бўлмаган эди-ку!

Муаллиф аниқ шу саволлар гирдобига яшайди — дунё воқеаларини синчковлик билан қузатади, фикр билдиради, кўп ҳолларда фикр, муносабат билдиришни ўқувчининг ўзига қолдиради: “Умидларни саробга айлан-тирган саммит”, “Ҳиндистон-Покистон уруш ёқасида”, “Дунёни ўзгартираётган ШХТ”, “АҚШ-Сурия”: ҳали тўла ишонч йўқ”, “Беқарорлик Франция чегарасидан ошиши мумкин”...

Бу китоби ҳеч иккиланмай кўп нусхада нашр этиш ва журналистика факультетлари қўшимча ўқув дастуurlарига киритиш мумкин, деган фикрдаман. Китобни ўқиган кўпжаб касбдошларимиз ҳам шундай фикрга келишларига ишончим комил.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.



ХАЛҚ НИДОСИ

1-6.

Ярқирар олтин узук,
Марказ айлана чизик,
Нигоҳларни сеҳрлаб,
Алдаб ўйнашинг қизик.

Кўйшдек ёнар рўйинг,
Осмонга етар бўйинг.
Олам — онам деб севсанг,
Баланд бўлар обрўйинг.

Шамол эсар хув-хув,
Наъра янграб гўв-гўв.
Югур, тўпни олиб қўй,
Рақибингни қув-қув!

Ер копқоқдек юмалар,
Яна келди кемалар,
Ким олар ер шарини?
Олтин тўпни ким олар?

Жанговар наъра — ўрон,
Ур-хо, ур, урдабурон!
Дам бермай, кўз очтирмай,
Ёғдиравер тўбурон!

Ҳақ — адолат жойида,
Ур-хо, ур, урдабурон!
Огоҳдир олий ҳақам
Дунёнинг саройида.

Яшил — футбол даласи,
Дарвозали қалъаси.
Бирлашиб ёриб кетар
Бўзбўрилар галаси.

Футбол бу — яхши ният,
Ҳақ йўлга имконият.
Айлана давра қуриб,
Бирлашар инсоният.

Ой-у кўёш айланар,
Уйласам, бош айланар.
Дунё терс айланганда
Кўзимда ёш айланар.

Дов ечилмас тош билан,
Қовоқ солган қош билан.
Уйлаб ўйнаб ютарсан
Ақл билан, бош билан.

Ҳақ сўз келмасин малол,
Дунёда яша ҳалоп.
Ер таллашиб уришма,
Нафсингни жилволаб ол.

Илк ўйин эмиш “дебют”,
“Ризқим шу, шукр!” — деб ют.
“Жоним, юртим!” — деб кураш,
“Ўзбекистоним!” — деб ют!

Кемаларин қадашган,
«Кашф этдик» деб аташган.
Олтин учун, ер учун
Инсонинг адашган.

Юрагимнинг пораси,
Кўзгинамнинг қораси.
Бир қадам Америка —
Ўзбекистон ораси.

Уфқ кўзи қонлаш,
Қанча юртлар жон талаш.
Ақлдан озган дунё
Нафс талаш, виждон талаш.

Элу юрт, ота-она
Бошгинамда парвона.
Ғолиб бўл, насиб этсин
Шоҳсупалар шоҳона.

Бирлаш, одамзод, бирлаш,
Дардингни айтиб сирлаш.
Стадионда мардона
Кучингни синаб, тирлаш.

Ишонган қишлоқ, кент бор,
Дардингни айтиб сирлаш.
Орқанда тоғдек таянч —
Ватан бор, Президент бор!

ҚУТЛОВ

27-IYUN

MATBUOT

VA OMMAVIY AXBOROT VOSITALARI XODIMLARI

kuni mabarak bo'lsin!

SIZNING SO'ZINGIZ- jamiyatning nigohi, haqiqatning ovozi!

Biznesni Rivojlantirish Banki

WWW.BRB.UZ

ҚИЛМИШ

Ноқонуний олибсотарлар жавобгарликка тортилди

Бозорлар ва жамоат жойларида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг оёсийшталлигини бузаётган ҳамда ноқонуний даромад орттиришни касб қилган кимсаларга нисбатан кескин чоралар қўриш ҳуқуқ-тартибот идоралари олдидаги муҳим вазифалардан биридир. Хусусан, Жиноят ишлари бўйича Сирғали тумани суди томонидан “Истеъмолда бўлган транспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлари Сергели бозори” МЧК ҳудудида амалдаги тартиб-қоидаларни менсимай, ноқонуний фаолият юритган 66 нафар фуқарога нисбатан қонуний чоралар қўрилди.

Ички ишлар органлари томонидан ўтказилган тезкор-профилактик тадбирлар давомида расмийлаштирилган ҳужжатларга асосан, туман суди томонидан: 15 нафар фуқарога — 10 суткадан; 3 нафар фуқарога — 7 суткадан; 12 нафар фуқарога — 5 суткадан; 8 нафар фуқарога — 3 суткадан маъмурий қамоқ жазоси тайинланди. 28 нафар шахсга эса тегишли тартибда жарима жазоси қўлланилди.

Ушбу шахслар бозорда харидорлар ва сотувчилар ўртасида ноқонуний воситачилик қилиб (халқ тилида “даллоллар” ёки “сайгақлар”) даромад топишни касб қилган. Улар фуқароларни алдаш ва ноқонуний хизматлар кўрсатиш билан шуғулланиб, уларнинг тартибга қақирган ички ишлар органлари ходимларининг қонуний талабларини бажаришдан бош тортган.

Мисол учун: 1982 йилда Тошкент шаҳрида туғилган М.У. 2026 йил 15 май куни бозор ҳудудида ноқонуний олди-сотди фаолиятини тўхтатиш ҳақида огоҳ-ландирилишига қарамай, ички ишлар ходимларининг қонуний талабларига буй-сунмаган. У жамоат жойида бақир-чақир

қилиб, ходимларни ҳақоратлаган ва жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимган.

Жиноят ишлари бўйича Сирғали тумани суди ҳуқуқбузар М.У.ни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 183-моддаси ва 194-моддаси 2-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этганликда айбдор деб топди. Унга МЖТКнинг 34-моддаси тартибда узил-қесил 10 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

1989 йилда туғилган фуқаро Ш.Б. ҳам ИИО ходимларининг қонуний талабларига буйсунмай, ноқонуний фаолиятини тўхтатишдан бош тортган ва жамоат жойида уятли сўзлар билан ходимларни ҳақорат қилган. Суд мажлисида у ўз айбига тўлиқ иқрор бўлди.

Суд ҳукми билан Ш.Б. МЖТКнинг 183-моддаси ва 194-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилди, унга МЖТКнинг 34-моддасига асосан 7 сутка маъмурий қамоқ жазоси берилди.

Қонун олдида ҳамма баробар. Бозор ҳудудида “тадбиркорлик” никоби остида фуқароларни алдаш, фирибгарлик қилиш ва оёсийшталлигини бузишга ҳеч қандай ҳаққи йўқ. Қинғир иш, зўравонлик билан узоқни кўзлаганлар адашадилар. Ички ишлар органлари ходимларининг қонуний талабларига буйсунмайдиган ва жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимайдиган кимсаларга эса жазо муқаррардир. Бу каби профилактик тадбирлар ва суд муҳокамалари кел-гунидек ҳудудда оёсийшталлик ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Меҳрибон ҲАСАНОВА,
Жиноят ишлари бўйича Сирғали тумани судининг тергов судьяси.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳар хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мансурова Умида Сахибжоннома томонидан 2023 йил 5 октябрда Ғуломова Мавлуда Кўчқоровна номига берилган KSh №247659 TS рақамли олди-сотди шартномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

